O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил. 4 май

18 (191)- сон

## ҚОРАДАРЁ БЎЙЛАРИДА БИР ЛИЦЕЙ БОР

### ЧАҚИНДАЙ ЎҒЛОНЛАР

Бугунги лицей ўқувчилари олий билим юртларининг эртанги талабалари эканлигига, чунки лицейларда ўқишга киришнинг энг зарур ва ишончли имтиёзи — ҳар томонлама чуқур билим берилишига ҳамманинг ишончи ортиб бормоқда. Ўқувчи-ёшларимиз, қолаверса, фарзандлари келажагини илмга боғлаган, уларнинг иқболини илм уфқларида кўрган ота-оналарнинг бу даргоҳларга меҳри бўлакча, интилишлари чандон.

Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигида республикамизда ташкил қилинган лицейлар қаторида илму шижоат ўғлонлари жам Андижон ўғил болалар лицейи ҳам муносиб ўрин тутади. 1993 йилдан бери фаолият кўрсатиб келаётган ушбу билим даргоҳида айни пайтда 223 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Бу ерда ўқувчиларнинг билим даражалари, ўқитиш натижаларини қуйидаги рақамларданоқ равшан тасаввур этасиз: 1996-97 ўқув йилида 31 нафар битирувчидан 26таси, 1997—98 ўқув йилида эса 38 нафар битирувчидан 29таси юртимизнинг нуфузли олийгоҳлари талабаси бўлдилар. Табиийки, бу рақамларни ўрта мактаб битирувчиларига нисбатан муқояса қилиб бўлмайди. Демак, ўқитишнинг йўналишлари ва имкониятлари турлича, буни ушбу лицей мисолида ҳам кўриш мумкин. Аввало барча лицейлар каби бу даргоҳга ҳам ўқувчилар танлов асосида қабул қилинадилар. Айтиш керакки, танлов ҳам катта. Ҳар бир ўринга 30—40 талабгор борлигини ҳисобга олсангиз, танловнинг кучи, микёси сизга равшан бўлади. Ўқиш тартиби тайёрлов синфлари ҳамда юқори синфлар шаклида ташкил этилган. Тайёрлов синфларида асосан ўзбек, инглиз, турк тиллари фан сифатида мукаммал ўргатилади. Сўнгра юқори синфларда аниқ фанлар инглиз тилида, ижтимоий фанлар ўзбек тилида, компьютер сабоғи турк тилида олиб борилади. Компютер ўқитиш мукаммал йўлга қўйилган. Тайёрлов синфларида бу тилларнинг нафақат машқини олган, балки шу тилларда машқ бера олишга тайёр ўқувчилар таълим ўрганишнинг кейинги босқичида хорижий тиллар воситасида ҳам фанларни пухта ўзлаштира борадилар.

*Ёшлар ҳамкоримиз*

Ҳар бир фаннинг чуқур билимдонлари — тажрибали мутахассис-ўқитувчилар уларга энг яқин устоз, кўмакдош, ҳамкор бўлади, албатта. Шу билан бирга, лицей ўқитишнинг замонавий жиҳозлари билан таъминланган, ўқувчилар эса бу энг сифатли жиҳозлар — техник воситалар билан бемалол «тиллаша» оладилар. Ўқувчилар учун шинам ётоқхона, тотли таомлар билан ошхона, спорт зали ва майдончаси, катта теннис корти, алоҳида тиббиёт хонаси мавжуд. Унинг Туркия ва Англиядан келтирилган дарсликлар ва бошқа зарур китобларга анча бой кутубхонаси бор. Лекин бу кутубхонада замонавий ўзбек бадиий ва илмий, публицистик адабиётлар жуда оз. Бу жиҳатдан кутубхонани замон талабларига кўтариш керак. Хуллас, ўқувчиларнинг билимга бўлган иштиёқи, иқтидорларига шароитлар ҳам уйғун. 7 нафар ўқувчининг Америка «Акселс» фирмаси танловида ғолиб чиқиб, АҚШда таҳсил олиб қайтганлиги ёки бу илм даргоҳида халқаро олимпиада совриндорлари борлиги ҳам ана шу билим олиш ва шароит уйғунлигидандир. Лицей директори Акрамжон Иминов ва мудир Ўғизбек Деримдеринииг ишонч билан таъкидлашларича, бундай натижалар билим чўққилари қадар юксалиб бораверади. Бу икки ёш лицей раҳбари ўқув даргоҳининг янада кучли бўлиши учун ғайрат қилишмоқда. Туман раҳбарлари Ҳ. Ҳакимов (ҳоким), Ш. Умаров (ҳоким ўринбосари) ҳамиша лицейдан хабар олиб туришади, унинг равнақи учун интилишади.

Ўсмир-ёшларнинг равшан идроки, майдон деб турган юраги гўё кучли оқимлар ясаб, қирғоғига сиғмай қайнаб оқаётган дарё мисоли. Бу дарёларнинг тўлқинлари — шижоат, интилиш, ўзани-илм, иқболида тафаккур гулшанлари бор. Дарвоқе, биз таърифини келтирган ушбу лицей ҳам Куйганёрда, Қорадарё бўйларига туташ манзилларда жойлашган. Юртни чаман этувчи дарёлар, ҳаёт мавжлари, келажак уфқини тўлдирган тоза тўлқинлар. Бу таълим масканида меҳри ватанга пайванд чапдаст-чақин ўғлонлар камол топмоқда, етуклик довонлари — илм сарҳадларини эгалламоқдалар.

**Д. ҚЎЗИЖОН қизи**

9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни



**Она соғинчи**

**Ольга ЛЫСЕНКО олган сурат**

## АСАД ШАРИПОВНИНГ ЛОЛАЛАРИ

**Ботаника боғига бориб дилим яйради. Худди Алп ён бағирлари, Швейцарияга бориб қолгандек бўлдим. Пойтахт Тошкентнинг бағрида шундай ноёб кўкаламзор, ўрмонзор, бутазор ва чангалзор маскан борлиги одамлар учун не бахт! Дунёнинг нене ерларидан келтирилган нодир дарахтлар, ўсимликлар бу ерда Ўзбекистон ҳавосига иқлимлашади.**

**Ботаника боғи хиёбонларини оҳиста айлансангиз, ҳар одимда кўзингиз бир мўъжизага дуч келади. Ва ҳаммасидан ҳам... лолазорларни айтмайсизми! Улар чинакам мўъжизот!**

**— Лолаларни биз бу ерда иложи борича табиий шароитда асраймиз. Уларнинг 100 га яқин турларини ўстириб, кўпайтирамиз. Неча ўн йиллардан буён улар устида илмий кузатишлар олиб борамиз... — деб ҳикоя қилади атоқли ботаник олим Асад Шарипов.**

**Асад Шариповни «Лоланинг пири» дейишади. Ҳақиқатдан, пир деса арзигулик. Олим табиий лола, сунъий навлари, жаҳонда кўпайтирилаётган, яратилаётган турлари, табиий лолаларнинг ер юзида тарқалган маконлари (ареаллари) ҳақида соатлаб сўзлаши, завқ-шавқ билан ҳикоя қилиши мумкин. У лолалар ҳақида ҳамма нарсани билади. Биладигина эмас, ўзи лолаларни кашф қилган, илм дунёсига таснифини берган олим. Яқинда Асад Шариповнинг Ў. Пратов билан ҳамкорликда «Ўзбекистон лолалари» деган китоби нашрдан чиқди. Бу китоб узоқ йиллик илмий кузатиш, тадқиқотларнинг ёрқин маҳсули. Жаҳон ботаника фанига, ўсимликшуносликка қўшилган улкан ҳисса.**

**Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларида ўсадиган табиий лолалардан дунёда неча-нечалаб ажиб, ёрқин лола навлари яратилди. Улар ҳар баҳорда ҳозир дунё гулбозорларини яйратиб яшнатяпти. Баҳор ойлари Тошкент майдонлари, гулзорлари, боғу ҳовлиларида гиламдай бўлиб лолалар очилади. Гўзал шаҳримиз жаннат тусига киради.**

**Асад Шарипов юртимиз лолаларини бебаҳо бойлик сифатида асраш учун кўп саъй-ҳаракатлар қилиб келади. «Ўзбекистон лолалари» энциклопедик китобини варақлайман. Лолаларнинг лотинча, ўзбекча, халқчил номлари, илмий тавсифларини ўқиб қувонаман. Илм нақадар яхши! Илм билан ўз элини гулзор қилувчи кишилар ундан ҳам яхши!**

**МУХБИРИМИЗ**

*Халқ бўла бошлаганимиз шудир...*

## МАРДЛАР ОЛИШМАЙДИ, СИЛТАБ ОТАДИ

Миллат ҳаётида шундай фурсатлар бўладики, ҳар дақиқаси минг йиллар ғурури, қувончини ҳадя этади. Бу ғурур, бу қувонч одамлар юрагида тўпланиб қолган сиқиндиларни парчалаб юборади. Яшагиси, севгиси келади ҳамманинг. Бир-бирларига юзи-кўзи, гап-сўзлари — бутун борлиғи чиройли кўринади. Ватанимизда ўзбек миллий кураши бўйича ўтказилган Биринчи жаҳон чемпионати ана шундай улкан ҳодисалардан бири. Қарам давлатнинг болалари синиқиб, ушоқланиб бораверар экан. Озод руҳ инсонларининг келбати ҳам юрагига монанд бўларкан. Демак, полвонларимиз шунчаки бақувват йигитларимиз эмас, улар миллатимизнинг қарамликдан омон чиққан бутун руҳларидан ёдгорлардир.

«Алпомиш»га тўй-тўйлашимиз ўша руҳни соғинишимиз, ўша руҳни чорловимиздир, қум сепилган майдонларда болаларимизнинг ўз-ўзича олишишлари ҳам ўша руҳга интилишимиздир. Президентимиз миллий курашимиз — ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионати ўтказишга астойдил саъй-ҳаракати замирида ҳам ана шу улуғ ҳақиқат — ота-боболаримизнинг енгилмас руҳини тиклаш, ўша руҳни жаҳон майдонларига олиб чиқиш мақсади бизнингча.

Икки кун давомида бизнинг хонадонимиз ҳам аввал Юнусобод, сўнг Жар спорт мажмуининг бир қисмига айланди. Биз ҳам ҳар бир полвонимиз билан майдонга тушдик, ёнида турдик, йиқилса йиқилдик, енгилса енгилиб, ғалаба қилса ғалаба қилдик. Тўғрироғи, уйимиздаги «кураш» майдондагидан ҳам аввалроқ бошланди.

— Битта олтин медал олсак ҳам жон дердим, ишқилиб, худо шарманда қилмасин, — дедим мен Президентимиз кубоги учун бўлган аввалги мусобақани эслаб. Ўшанда полвонларимиз бизни қувонтира олмаган эдилар, ғуруримиз лат еган эди.

— Аяжон, нега олдиндан бунақа дейсиз? Яхши ният қилинг! — Болаларим менга ёпиша кетишди.

Эҳтимол, Ўзбекистонимизнинг минглаб шаҳру қишлоқларида менинг болаларимдай қоракўзлар телевизор экранлари олдига ўтириб, яхши ният қилишгандир. Эҳтимол, оналар ўзимдай билган дуоларининг барини бирма-бир шивирлаб ўқиб, юрак-юрагидан ғалаба сўрагандир. Балки, йигитларимизга Президентимизнинг «Мен мусобақада қатнашаётган полвонларимиз ғолиб бўлмаса ҳам уларни чемпион сифатида бағримга босишга тайёрман» деган бағрикенглик, улкан муҳаббат билан айтган оқ йўллари фавқулодда бир қудрат бергандир?.. Балки, ўзларининг муттасил интилишлари, машқлари, устозларининг қаттиқ меҳнатлари самарасидир... Ва яна эҳтимолки, ғуруримиз, шаънимиз майдонга тушаётганидан шодланган ота-боболаримиз руҳининг мададидир?.. Ҳар не бўлганда ҳам, йигитларимиз зўр олишдилар. Маҳмуд, Акобир, Махтумқули исмлари болаларимизнинг отидай яқин бўлиб қолди бизга.



Мен уларнинг моҳирликлари, чапдастликлари, кучларидан ҳам кўра ўзларига ишончлари, майдонга кириб келишдаги «Шу майдон меники, мен шу майдоннинг эгасиман» тарзидаги ишончли қадамлари ёқди. Юзу кўзларида порлаган нурдан қувондим. Ичида мутелиги йўқ юзлар, кўзлар шундай нурланади. Демак, эркинлик бизнинг юракларимизга ўта бошлабди. Бу энди ғалабанинг буюги. Менинг яна спорт мажмуини лиқ тўлдириб ўтирган юртдошларимизнинг гуриллаган ҳайқириқларидан кўнглим баландлади. Бу шунчаки ундаш ё олқиш эмас. Бу уйғонаётган орият овози, бирлашув гулдираши.

Менинг яна «ўзбек кураш» сўзининг, «ҳалол», «ёнбош», «чала», «дакки», «танбеҳ» каби сўзларимизнинг дунё сўзликларига кираётганидан бошим осмонлади. Голландия, Япония, Англия, Лотин Америкаси каби дунёда таъсири катта давлатларнинг полвонлари ўзбек кураши — бизнинг курашимиз ҳурматига қўлларини кўксига қўйгани, ҳакамларнинг таъзимга келганидан фахрландим. Айниқса, бразилиялик Карлос полвоннинг олишишларини ич-ичимда бир катта ҳурмат ҳисси билан томоша қилдим. Ҳатто, ўша тиришқоқ, ғолибликка астойдил интилган Карлосга кумуш, олтин медалларимизни илиндим.

Ахбор Имомхўжаевнинг майдонни бошига кўтариб ёш йигитлардай ўктам, Рихситилло билан Давлатнинг ўта эркин шарҳлари ҳам ёдимга ўрнашиб қолди. Айниқса, мутлақ чемпионлик учун Эрали ва Тоштемир (улар жону жигаримдай туюляпти, исми билангина айтаётганим шунинг учун) майдонга тушишганда олишувдан аввал бир-бирларини бир лаҳзагина қучоқлаб туришганда қувониб йиғладим. Халқ бўла бошлаганимиз шудир, дедим.

Ғолибларимиз шоҳсупага чиқишганда, бронза совриндорларига жой торлик қилиб қолди. Совриндорлар шоҳсупада бирга туришга ҳаракат қилдилар, бир-бирини итармадилар, бир-бирини ёнига тортдилар. Мен учун ана шу онлар, ана шу қадр, ана шу эъзоз мусобақанинг ёруғ нуқталаридир. Мусобақа охирлаганда, ҳар учала олтин медал ўзимизда қолишини аниқ билиб турсак ҳам, байроғимиз кўтарилганда, мадҳиямиз янграганда, яна қайта ғолиб бўлгандай ҳис қилдик ўзимизни.

Худойим, йигитларимизнинг тиз чўкмай, тиз букмай майдонга туша бошлагани чин бўлсин! Худойим, кўтарилган байроқларимиз сира тушмасин! Байроғимизга монанд юракларимиз тик турсин! Худойим, майдонда ҳар ғалабадан чарақлаган қорачиғлардаги чўғдан юртимиздаги барча-барча қоракўзларга аланга туташаверсин! Курашдан олдин бошланган дуоларим дуоларга уланяпти. Менинг назаримда, шу соат, шу дақиқада ҳар бир ўзбекнинг қўли шундай эзгу дуоларга очилгандай... «Ол, қулим!» де, Худойим!

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида

**9-майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан, шунингдек, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 2О-бандига асосан**

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар;

б) аёллар, 6О ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

д) амнистия қўлланиладиган чет эл фуқаролари;

е) бошқа давлатларнинг судлари томонидан ҳукм этилиб, жазони ўташ учун Ўзбекистон Республикасига берилган амнистия қўлланиладиган шахслар.

2. Уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Биринчи марта ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин, ушбу Фармоннинг 1О-моддасида қайд қилинган жиноятларни содир этган маҳкумлар бундан мустасно.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жинояти учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларидан ушбу Фармон қабул қилинган кунга қадар, қонунга мувофиқ жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштиришни қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар озод қилинсин.

7. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахслар манзил-колонияларга ўтказилсин.

8. Мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмай қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

9. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатини ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга - учдан бир қисмга, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга - ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан марҳум қилинганларга - тўртдан бир қисмга.

1О. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15О-163, 216, 216-1, 216-2, 244-1 моддаларида, 246 моддаси 2-қисмида, 247 моддаси 2, 3 қисмларида, 248 моддаси 2, 3 қисмларида, 27О моддаси 3-қисмида, 271 моддаси 3-қисмида, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларга, ўта оғир жиноятлар учун судланганларга, ўта хавфли рецидивист деб топилганларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаб, ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган шахсларга Фармоннинг 1-3, 6, 8-моддалари қўлланилмасин. (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 4-қисми «а,в» бандлари билан судланганлар, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 272, 273 моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир қилган чет эл фуқаролари, шунингдек биринчи марта судланган аёллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15О-163, 216, 216-1, 216-2, 242, 244-1 моддаларида, 247 моддаси 2, 3-қисмларида, 248 моддаси 2, 3-қисмларида кўзда тутилган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан мазкур Фармоннинг 9-моддаси қўлланилмасин.

Жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга, шунингдек, илгари амнистия ёки афв этиш қўлланилганидан сўнг қасддан жиноят содир этган шахсларга ушбу Фармон татбиқ этилмасин.

11. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 3О апрель

## ГЁТЕ — ГЕРМАНИЯ — ЎЗБЕКИСТОН

Буюк олмон адиби Йоҳанн Волфганг фон Гёте таваллудининг 250 йиллиги дунё мамлакатларида кенг нишонланмоқда. (Адиб 1749 йил 28 августда Франктфурт-Майн шаҳрида туғилиб, 1832 йилда вафот этган). XX аср ўзбек зиёлилари гарчи Гёте ижодиёти билан яхши таниш ва унинг серқирра маърифатидан баҳраманд бўлсалар-да, улуғ шоирнинг асарларини 70-йиллардан эътиборан миллий тилимизга таржима қилиш ҳаракати бошланди. 1972 йилда атоқли ўзбек шоири Эркин Воҳидов «Фауст»ни севиб таржима қилди. 70-йилларнинг охирларида «Ёш Вертернинг изтироблари» романини ўзбек ўқувчилари Янглиш Эгамова таржимасида ўқишга муяссар бўлдилар. 90-йиллар бошида эса шоир Садриддин Салим «Ғарбу Шарқ девони»ни ўзбекчалаштиришга муваффақ бўлди. Ўз вақтида Гёте шеърларини Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Эркин Воҳидов, Шарифа Салимова, Шуҳрат Имяминов, Пошали Усмон, Азим Суюн, Саъдулла Аҳмад таржима қилганлар.

Яқинда (27 апрел) ГФРнинг Гёте номидаги институти Тошкент шўъбаси «Ғарбу Шарқ девони»га бағишланган шеърият кечаси ўтказди. Кеча Аброр Ҳидоятов номидаги театрда бўлди. Кечага 300 га яқин шеърият шайдолари, Гёте ижоди мухлислари йиғилдилар. Театр зали лиммолим тўлди. Ўзбек театри саҳнасидан олмон тилида Ҳотаму Зулайҳолар изҳори диллари янгради. Гёте шеърларини таниқли олмон артистлари жаноб Йохен Штрийбек ва Йовита Дермота хоним ўқидилар. Уларнинг ҳаяжонли ўқишларига Фарҳан Саббаҳ уд чолғусида мумтоз Шарқ куйларини маҳорат билан чалиб жўр бўлиб турди.

*Гётехонлик*

Гёте институти апрел ойи бошларида ҳам «Гёте шеърлари гитара садоси остида» мавзуида шеърият кечаси ташкил этган эди. Кечада Олмония театр артистлари Берндт Кларик ва Поол, Олмониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари, элчи жаноблари Бернхард Биндзайл ва рафиқаси Барбара Биндзайл хоним қатнашдилар.

Май ойи охирларида «Гёте — универсал даҳо», «Гёте — ранглар назарияси» деган мавзуларда институт Тошкентда кўргазмалар ўтказишни режалаштирган. Сентябр ойида эса Гёте ижодига бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказилади. Ушбу тадбирларни институт раҳбарияти ва маданият дастури мутасаддиси Хуррам Раҳимов тайёрламоқдалар.

**«МТ» нинг ўз мухбири**

**ГЁТЕ**

## ЯРАТИШ ВА РУҲ АТО ЭТИШ

### «ҒАРБУ ШАРҚ ДЕВОНИ»ДАН

**Одам шаклин қодир Худо**
**Яратди оддий лойдан,**
**Гавда руҳсиз эди, илло**
**Йироқ эди чиройдан**
**Илоҳим-чи, бурнидан сўнг**
**Руҳни киргизди аста,**
**Аксирди у, бўлди шу он**
**Тан ила руҳ пайваста.**
**Гарчи гавда калла билан**
**Бор эди, лек нотугал**

**Қадаҳ унга тутиб шу дам**
**Нуҳ зўр ишни этди ҳал.**
**Қадаҳ лабга теккан заҳот,**
**Гавда учди гўё қуш.**
**Шундай таъсир этар аҳир**
**Хамирга хамиртуруш.**
**Аё, Ҳофиз! Раҳнамо сен**
**Биздай мастоналарга.**
**Бошла қадаҳ жаранги-ла**
**Ибодатхоналарга.**

МУХБИР — РЕКТОР — ДЕКАН

# ИЖОДИЙ ИМТИҲОН ВА ХОРИЖИЙ ТИЛ БИЛИМИ

***«Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорнинг бажарилиши Ўзбекистон Жаҳон тиллари университетида қандай бажарилаётганини билиш мақсадида университет ректори, филология фанлари доктори, профессор Жамолиддин Бўронов ҳамда Халқаро журналистика факултетининг декани, филология фанлари доктори Гуландом Боқиевага бир неча саволлар билан мурожаат этдик.***

**МУХБИР: — Жаҳон тиллари университетида янги факултетнинг очилиши катта воқеа. Бугунги журналистикамиз учун дунёга кенг йўл солиниши, айниқса, Ўзбекистон тараққиётидаги янгиликлар билан дунё халқларини хабардор қилишга эътибор берилаётганлиги барча ҳамкасбларимизни қувонтиради. Бунга катта тайёргарлик кўрилган бўлса керак...**

**Ж. БЎРОНОВ:** — Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин мамлакат тизимида юз бераётган муҳим ўзгаришлар, ислоҳотларни ёритиш ҳозирги кунда долзарб вазифалардан бири. Мустақил давлатимизда ҳам энди дунёдаги машҳур ахборот агентликларига ўхшаш замонавий ахборот узатиш тизимлари бўлиши керак. Бу эса анча мураккаб, масъулиятли масала. Узоқ йиллик мустабидлик даврида на журналистика соҳасида, на тарихимизни, на маданиятимизни ўрганишда кенг йўллар очилган эди. Бу соҳада катта тўсиқлар бўлиб, миллий кадрларнинг ўсишига йўл қўйилмасди. Барча асосий кучлар Москва, КПСС топшириқларини бажаришга қаратиларди.

Мустақиллик олдимизда бутунлай ўзга тараққиёт эшикларини очди.

Ҳар иккала университетнинг журналистика факултетлари учун бир миллиарддан ортиқ харажат сарфланиши кўзда тутилган. Ҳамма давлатлар ҳам бундай қила олмайди. Энг ривожланган мамлакат Японияни олсак, бу ерда ҳам Халқаро журналистика алоҳида ҳолда ўқитилмайди. Фақат университетларнинг сиёсатшунослик факултетларида бу соҳа бирга олиб борилади. Халқаро журналистика соҳасида кадрлар тайёрлашни бизнинг университетимизга раво кўрилиши елкамизга катта масъулият юклади. Биз бу вазифани бутун республикамиз журналистлари билан ҳамкорликда, шу соҳага яқин бўлган тажрибали олимларимиз иштирокида амалга оширмоқдамиз.

**МУХБИР: — Домла, бунда чет мамлакатлар билан илмий, ижодий, маданий ҳамкорликлар ҳам катта аҳамият касб этса керак?**

**Ж. БЎРОНОВ:** — Аввало шуни айтиш керакки, факултетга декан қилиб бир пайтнинг ўзида университетнинг хорижий тиллар билан алоқа қилиш бўйича проректори, профессор Гуландомхон Боқиева тайинланди. Бу муҳим соҳага ҳозир биринчи навбатда тилни яхши биладиган мутахассисларни кўпроқ жалб этаяпмиз. Ўзбекистонда халқаро журналист тайёрлашнинг ўзига яраша қийинчиликлари оз эмас. Уларни енгиб ўтишни кўзларканмиз, биз бугунги кунда чет эл журналистикасидан ҳам кўпроқ хабардор бўлишни эътиборда тутамиз. Хориж журналистикасининг ижобий жиҳатларини ўрганиш бизга фақат фойда келтиради. Ҳозир ИНТЕРНЕТ билан боғланиб, унинг иш фаолияти билан танишяпмиз. Адабиётлардан фойдаланиш, хабар узатиш ва хабар олишнинг энг қулай йўлларини билишимиз зарур. Таҳсил жараёнларига чет элдан келган мутахассисларни ҳам жалб этаяпмиз. Уларнинг кўпчилиги профессор-ўқитувчилар. Журналистика соҳасини яхши биладилар. Уларнинг яқин кўмагида ўқув дастуримизни тузиб чиқяпмиз. Билдирилаётган фикр-мулоҳазаларни инобатга оляпмиз. Ўқув режаларимиз шаклланаяпти. Ишни жадал олиб бормасак бўлмайди. Ўқув йили охиригача ўз дастуримиз, дарсликларимизни мукаммал ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Ўқув қўлланмаларимиз ҳам муҳокамадан ўтмоқда.

Яқин йилларда Ўзбекистонда ҳам дунёнинг катта ахборот узатиш даргоҳларига ўхшаган даргоҳлар пайдо бўлса ажаб эмас. Ҳозирги кунда қилаётган меҳнатимизнинг самараси келажакда ўз натижасини бермоғи керак. Дунёда Ўзбекистон журналистикаси ҳам ўз ўрнини қозонади.

**МУХБИР: — Гуландом опа, бу йил университетда журналистика соҳасида қабул қандай ташкил этилади? Факултетга нечта талаба олиш мўлжалланган?**

**ГУЛАНДОМ БОҚИЕВА:** — Университет талабалари аввало бирон хорижий тилга ахборот узата билиш лаёқатига эга бўлишлари керак. Тил билиш энг зарурий шартлардан бўлиб қолади. Бусиз халқаро журналистикани тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада Тошкент Давлат университети Халқаро журналистика бўлимининг бироз тажрибаси бор. Лекин тил ўрганиш энг юқори талаб даражасида олиб борилади. Бу Вазирлар Маҳкамасининг қарорида ҳисобга олинган. Биз қарор асосида ишларнинг кўламини кенгайтирамиз. Халқаро журналистларимиз ўзи биладиган чет тилида мукаммал ёза олиши, уни ўз она тилини билгандек билиши керак. Қабул қоидаларига келсак... Биринчидан, Халқаро журналистика факултетида таҳсил олишни истаганлар республикамиз матбуот саҳифаларида, телевидение, радио, умуман барча оммавий ахборот воситаларида қатнашаётган бўлиши шарт. Мақолаларининг савияси, ёзиш моҳиятига ҳам эътибор катта. Бошқа факултетлардан фарқимиз ҳам асосан шундан келиб чиқади. Ижодий имтиҳонлар ҳам катта ўрин тутади. Улар қобилиятларни синашга хизмат қилади. Ижодий имтиҳонлар балл билан ўлчанади. Ва ниҳоят, талабгорлар тест синовларидан ўтадилар. Ижодий имтиҳондан йиқилганлар тест синовларига киритилмайди. Халқаро журналист тайёрлаш фақат жуда жиддий талабчанлик асосидагина мумкин бўлади.

**Ж. БЎРОНОВ:** — Ҳа, ижодий имтиҳон тест синовларидан анча аввал ўтказилади. Бу талабалар учун ҳам қулай. Ижодий синовдан ўтолмасалар, бошқа жойга ҳаракат қилишларига имконият қолади.

**Гуландом БОҚИЕВА:** — Биз журналистика факултетининг 1 курсига 50 та, иккинчи курсига ҳам 50 та бола қабул қилишни режалаштирдик. Энди биз ўзимизнинг ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, тилни яхши биладиган 2 курс талабаларимизни ҳам айнан ана шундай ижодий имтиҳонлар асосида Халқаро журналистика факултетига қабул қилишни мўлжаллаганмиз.

Факултетимиз талабларидан келиб чиқиб, еттита тил ўқитишни режалаштирдик. Улар қуйидагилар: инглиз, француз, немис, испан, араб, хитой, япон тиллари. Халқаро журналист бўламан деган талаба аввало шу тиллардан бирини яхши билиши ва ижодий имтиҳонларни муваффақиятли топшириши керак.

**Абдуқаюм АЙРИТОМИЙ суҳбатлашди.**

# АСРАЙЛИК ЭРКИН ФИКРНИ

**Инсонлар! Худойим ато этгандир,**
**Бизларга маънавий ҳаёт сурмоқни.**
**Қачон у айтингчи, кўзлаб қўйибди,**
**Эркин фикр учун ерга урмоқни?..**

**Яратган бандасин иқтидорига,**
**Онг ила яшашни чун инъом этди,**
**Ҳайвондан фарқлироқ ул бошимизга**
**«Ақл» деган бойликни зўр анжом этди.**

**Шу сабаб ул эрур энг улуғ қурол,**
**Фойдалан, дунёни деди қил, гўзал.**
**Бироқ, ҳеч унутма эркин фикрлаш**
**Мендандир инсонга ҳадяи азал.**

**Сенгадир беназир маданий мерос,**
**Фикрингни чархлагин, қил бой ва ўткир.**
**Лек унинг қудрати ила одамнинг**
**Онг мустақиллигига солмагил таҳқир.**

**Чеклама зинҳор сен зукко фикрни,**
**Гар унинг башарга йўқдир зиёни,**
**Излама ундан сен икир-чикирни,**
**Тажовуз қилма ҳеч, эсла Худони.**

**Унутма, фикрлаш эрки жаҳонга**
**Танитди Беруний, ибн Синони.**
**Тажовуз этганлар ул Улуғбекни**
**Ҳалок этди, ларзага солиб дунёни.**

**Еткургай гар бўлса соғлом, зўр фикр**
**Манфаат равнаққа, умум башарга.**
**Яратиб омиллар, дунёни гўзал**
**Этмоқ-чун ва бахтли бўлиб яшарга.**

**«Қизил империя» мафкура чоғи,**
**Фикрни кишанлаш ўртарди доғи.**
**Маънавий таҳқирлаш, жисмоний зўрлик**
**Кўрсатиш йўқ эди асли адоғи.**

**Истиқлол парчалаб, манфур занжирни**
**Маҳв этди, фикрга берди озодлик.**
**Тарихда қора доғ бўлиб у вақтлар,**
**Битди ҳур фикрни қамаш-бедодлик...**

**Жисмоний урсалар, ерга йиқилар,**
**Маънавий урганда дерлар — қаърига.**
**Одамлар! Асрайлик эркин фикрни**
**Қадрлаб, етказмай завол зарига...**

**Баҳриддин НАСРИДДИНОВ**





## ДЕҲҚОННИНГ БАРДОШИ ЕНГАДИ

Келинг, муҳокама қилайлик

# АРАВАНИ УЧ ЁҚҚА ТОРТГАНДА...

Халқ миллий ҳаётининг барча жиҳатлари унинг она тили бағрида шаклланади ва намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқнинг жуда катта қисми (камида 70-80 фойизи) фақат ўз она тилини билади ва шу тилдагина сўзлашади. Ҳатто дунёда энг тараққий этган миллатлар ҳам (масалан, инглизлар, олмонлар, японлар ва ҳ.) асосан ўз она тилидан бохабар, холос.

Лекин эндиги тараққиёт кўплаб чет тилларни билиш ва улардан фойдаланишни тақозо қилади, хусусан ривожланаётган давлатларнинг хорижий мамлакатлар билан кўнгилдагидек алоқа ўрнатиши ва ҳамкорлик қилиши бусиз амри маҳол. Шу мақсадда жумҳуриятимизда ажнабий тилларни ўргатадиган бир неча махсус олий ўқув юртлари очилган. Бундан ташқари, барча олий ҳамда ўрта мактабларда у ёки бу чет тили албатта ўргатилади. Ва бунга эндигина киришилгани йўқ, ўзбекистонлик мактаб болалари инглиз, олмон, ё фаранг тилларидан бирини ўрганаётганликларига ҳам ярим асрдан ошиб кетди. Хўш, натижаси қалай?

Чет тилини мактабда камида беш йил ўқиб-ўрганган авлоднинг олди аллақачон пенсия ёшидан ҳам ўтди. Ҳозир уларнинг кўпи ҳатто бир калима ажнабий сўзни, борингки, саломлашишни ҳам аллақачон унутган. Бу — биринчидан.

Иккинчидан, фаол мулоқот ёшидаги юртдошларимизнинг кўплари ҳам чет тилларини бошқалардан камроқ билади. Масалан, мактабда инглизчани ўрганган қирқ ёш атрофидаги ўзбекларнинг ҳозирги тил билиш савияси, айтайлик, айни чет тилдан таълим олганларга қараганда бирмунча орқароқда. Буни рўйирост эътироф этишимиз керак.

Бунга нима сабаб? Ё бизлар чет тилини яхши ўзлаштира олмаймизми? Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайин» асарида туркларнинг тил билишда бошқалардан тезфаҳмроқ эканлиги тўғрисидаги гаплар наҳот асоссиз бўлса? Ахир, ўзбекларда қадим-қадимдан икки тиллилик (она тилидан ташқари тожик тилини ҳам билиш) анъанаси бўлганини биламиз-ку?

Бизнингча, бунда асосий иллат — чет тилларни ўқитиш-ўргатишнинг ҳозир амал қилаётган тизимида. Агар ўқитиш тизими ўзгартирилмас экан, бу муаммони ҳал этиш осон кечмайди. Тил ўқитиш тизимининг айнан қайси жиҳати номақбул экан, деган саволга келсак, биламизки, Шўро тузуми давридан давом этиб келаётган таълим йўналиши — ўзбек (қозоқ, арман ва ҳ.) болаларига мактабда бирваракайига уч тил, яъни ўз она тили, кейин «иккинчи она тили» деб таърифланган рус тили ва ниҳоят биронта хорижий тил ўргатилган. Демакки, Масков ё Тамбовда тил фанига ажратиладиган дарс соатлари иккига (она тили ва чет тили учун) тақсимланса, худди шунча дарс соати Тошкент ва Бешкентда учга: ўзбек тили, рус тили ва чет тили учун тақсимланади. Ўз-ўзидан, бунда она тилига тегишли дарс соатларининг бир қисми, чет тилининг дарс соатларидан ҳам бир қисми юлиб олиниб, рус тилига берилади. Яқин ўтмишдаги сиёсатбозликлар натижасида энг кўп соат албатта рус тили ҳиссасига тўғри келиб, она тили ҳам, чет тили ҳам номига ўқитилганлигини яхши биламиз (худди шунинг учун ҳам ўзбекларнинг кўпчилиги она тилида расмий ҳужжатномалар ўритишда қийналади, кўп ўқимишлилар эса аризадан тортиб барча ҳужжатларни русча ёзишга омилкорроқ).

Ҳозир ўзбек мактабларида она тилидан ташқари бирваракайига иккита — рус ва яна бирон чет тилини ўргатишади. Ўсмирнинг онги ва психикасига бу оғирлик қилиши турган гап. Бундан ташқари, рус мактабларининг ўқувчиси рус тилида камида уч йил таълим олиб, она тили кўникмаларини хийла эгаллаганидан кейин, тўртинчи синфдан бошлаб чет тилини ўрганишга киришса, ўзбек мактабларида иккинчи синфданоқ биринчи ажнабий лисон — рус тили сабоқлар дастурига қўшилади, бешинчи синфдан бошлаб яна бир чет тили — ё инглиз, ё олмон, ё фаранг тилларидан бири ҳам ўргата бошланади.

Рус мактабларида чет тили тўртинчи синфдан бошлаб қўшилгани ҳолда, бизнинг «миллий мактаб»ларда қандай асосга биноан иккинчи синфдан бошлабоқ иккинчи тил ҳам ўқита бошланган, бу нарса болаларнинг ёш психологиясига, педагогика тажрибаларига қай даражада асослангану, қанчалик далилланган — тушуниб бўлмайди. Қолаверса, она тилидан бошқа ҳар қандай тил — бола учун чет тили, бинобарин нима учун бошқа миллат болалари рус талабаларидан фарқли ўлароқ, бир мактабда, бир синфнинг ўзида иккита чет тилини бирваракайига ўрганишга жалб этилгани ҳам, бизнингча, шоёни ҳайратдир. Худди мана шу нарса ўзбек болаларининг чет тилларини яхши ўргана олмасликларига олиб келди. Чунки тил ўрганишга, полиглотликка туғма равишда қобил бўлган саноқли индивидлардан ташқари минг-минглаб одамларнинг аксари, нари борса, яна битта чет тилини ўрганишга қобил бўлади, холос.

Рус тилининг ўзи — биз учун битта чет тили. Воронежлик мактаб боласи учун инглиз (ёки олмон) тили қанчалик чет тили ҳисобига ўтса, наманганлик талабанинг рус тилидан бохабарлиги ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Воронежлик 6-синф ўқувчисига инглиз тили билан бир вақтнинг ўзида яна хитой ёки араб тилини ўрганишнинг қийинчилиги қанча бўлса, наманганлик толиби илмнинг шу синфнинг ўзида рус тили ва яна бирон Оврўпо тилини ўрганиши, албатта, шунчалик мушкул.

Энг ачинарлиси шуки, илмий асосланмаган ва амалда ўзини оқламаган бу практика ҳатто ҳозир — мустақиллик даврида ҳам «тарки одат — амри маҳол» тарзида давом этиб келаяпти. Эҳтимол, айрим кишилар бола қанчалик кўп тил ўрганса, шунча яхши, бинобарин икки тилни билиб олган ўқувчи учинчисини ўрганиши ҳам қийин эмас, деган мулоҳазага боришар. Бироқ унутмаслик керакки, полиглотлик дегани ҳам шоирлик сингари туғма бир ҳодиса, аксарият ўқувчига эса, юқорида айтганимиздай, битта тилдан ўзгаси қийинчилик қилиши ҳам мумкин.

Албатта, биз ҳам ўзбек болаларининг икки, уч ва ҳатто тўрт-бешта тил билишлари тарафдоримиз, шундай қобилиятли ўғил-қизлар — элимизнинг фахри, умиди. Бироқ таълим тизимини танлаб олинар экан, кенг омма назарда тутилиши даркор. Бирваракайига учта тилни мактабда ўқитиш педагогик жиҳатдан мақбул ва амалий жиҳатдан ўзини оқлайдиган бўлганида эди, шўро замонида бу ҳаммадан аввал Россиядаги рус тилли мактабларда жорий этилган бўлмасмиди?

Бу мулоҳазалардан муаллиф рус тилининг кенг ўқитилишига қарши шекилли, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Биз фақат дунёнинг энг мутараққий давлатларидаги сингари, ўрта мактаб ҳамда олий ўқув юртларимизда она тили ҳамда яна битта чет тилини ўргатиш билан кифояланиш керак, ана шундагина кутилган натижага эришилади, деган фикрдамиз.

Мана шуни кўзда тутиб бўлса керак, яқинда Тошкентдаги 60-ўрта мактаб 7-синфга қадар фақат олмон тилида таълим бериладиган билим даргоҳига айлантирилди. Бунда бола муайян тил билан қай даражада кўп муомала қилса, ўша тилни яхши ўрганади, деган жўнгина, аммо оқилона мулоҳазадан келиб чиқилган.

Балким эксперимент тариқасида бирон туман мактаблари танлаб олиниб, унда ўқувчилар ёки ота-оналарнинг хоҳишини ҳисобга олган ҳолда, болаларнинг масалан эллик фоизига чет тили сифатида фақат рус тили, йигирма фоизига, айтайлик, инглиз тили, қолган қисмига эса бошқа чет тиллардан бири (олмон, фаранг, араб...) ўргатилар. Бундан муаллиф рус тилини ҳозиргидай кенг ўқитилишига қарши шекилли, деган фикр келиб чиқмаслиги керак. Демоқчимизки, рус тилини ўргатишни ҳамма учун мажбурий қилиб қўйиш эндиликда жилла тўғри эмас. Ахир ер юзидаги 5,5 млрд.дан ортиқ одамларнинг камида ўндан тўққизи рус тилидан мутлақо бехабар бўлгани ҳолда, бинойидай умр кечириб ҳам юрибди. Қолаверса, айни шу «ёппасига ўқитиш» тизими оқибатида кўп ўқувчилар рус тилининг ўзини ҳам кутилган даражада эгаллай олишмаяпти. Зеро, ҳар қандай тилни ё она тили сифатида, ё чет тили сифатида ўрганибгина қойиллатиб билиб олиш мумкин. Нима бўлганида ҳам, ўрта мактабда учта тилни баббаравар ўқитиш «анъана»сидан воз кечиб, она тили ва яна битта чет тили (рус, инглиз, турк, олмон...)нигина ўргатиш тизимига ўтилса, иккинчи ажнабий тилни ўзлаштириш кескин яхшиланади. Ва айнан шу тизим амалга оширилгандагина ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеи ўз ўрнига келади ҳамда ўқувчиларнинг ўз она тилини билишлари ҳам хийла ўнгланади.

Ҳозир жуда қизиқ бир вазият юзага келган: қўшни давлатлардаги ўзбек мактабларида таълим оладиган ўқувчилар бунинг устига ўша жумҳуриятнинг давлат тилини ҳам ўрганишаяпти. Энди эса диққатингизга математикадан узоқ бир масалани ҳавола қилсак: санкт-петербурглик бола мактабда она тилини ва олмон тилини ўрганаяпти, термизлик бир бола ҳам она тилини, рус тилини ҳамда олмон тилини ўрганаяпти, ўшлик тағин бир ўзбек ўқувчи бўлса ўзбек тилини, қирғиз тилини, рус тилини ва олмон тилини ўрганаяпти. Савол: бу болаларнинг билимга иштиёқ ва қобилият даражалари бир хил бўлса, улардан қайси бири чет тилини бошқаларга қараганда яхшироқ билиб олади?

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**



**Электр қуввати билан келажак сари!**

# ЗИЛ ЕРНИНГ

Табиат ҳодисалари инсон иродасидан ташқари бўлса-да, башарият ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Биз яшаб турган сайёрамизни қанчалик биламиз? Унинг сир-саноатларинию, офату талофатларининг сабабини аниқлашга одамзотнинг ақл-идроки етадими? Бу жумбоқлар қайси асрда ўз ечимига эга бўлади?

Ана шундай жумбоқлардан бири катта куч ва хавфга эга бўлган, инсонларни бир оз саросима-ю эсанкирашга олиб келувчи табиий офат — ер қимирлашлари.

...1966 йил 26 апрел. Эрта тонг. Ҳамма тинч ва осуда уйқуда. Соат миллари 5 дан 23 дақиқа ўтганда тўхтаб қолди.

Замин ларзага келди, пойтахт аҳолиси қаттиқ тебранишдан чўчиб уйғонди. Зилзила.

Бир неча дақиқада шаҳарни чанг-тўзон босди. Кўп уйлар вайронага айланди. Ўша вақтдаги аниқ асбоблар табиий офатнинг кучини Рихтер шкаласи бўйича 8 балл, магнитураси 5,3, зилзила ўчоғи Ер юзидан 8000 метр чуқурликда эканлигини кўрсатди.

Асосий зарбадан сўнг «Тошкент» сейсмик марказининг маълумотига кўра 3 ой мобайнида 600 дан ортиқ ер тебранишлари бўлиб ўтди. Табиий офат натижасида турар жойлар, ўқув масканлари, саноат иншоотлари, корхоналар катта зарар кўришига қарамай, иродаси мустаҳкам халқимиз умумшаҳар ҳашарига бел боғлади. Пойтахт қурилиш майдонига айланди.

Ана шу воқеага ҳам мана 33 йил бўлибди.

Тошкент зилзиласи қанчалик даҳшатли бўлмасин, зилзилашунослик йўналишида туб бурилишлар, янги кашфиётлар очишга хизмат қилди. Бу ҳақда албатта, нуфузли илмий анжуманларда муаммонинг назарий томонларига катта эътибор бериб келинмоқда.

Хўш, нима учун заминимизда ер қимирлайди? Тарихда ҳам Тошкентда шундай зилзила бўлганми?

Аввало, ҳудудимизни ўраб турган тоғлар ўта ҳаракатчан, нисбатан ёш тоғлар ҳисобланади. Ҳаммамизга география фанидан маълумки, Ватанимиз ҳудудлари Тиён-Шон, Помир, Турон каби ернинг йирик блокларидан ташкил топган. Ана шу блокларнинг ҳосил бўлиши, таркиби ва ривожланиш босқичлари турлича шароитларда бўлганлиги учун ҳам ҳозирги вақтда ер тебранишлари пайдо бўлмоқда.

Энди тарихий манбаларга мурожаат этсак. Тошкентлик муаррихнинг «Тарихи Жадидайи Тошканд» китобида илгари бўлган зилзила тўғрисида маълумот келтирилади. Унда ёзилишича, 1868 йили апрел ойида Тошкент заминида кучли зилзила рўй берган. Силкиниш ярим соат давомида такрорланиб, кўпгина вайронагарчиликларга олиб келган. Уларни таққосласак, 100 йил ичида бу икки офат ҳодисаси такрорланганлигини кўрамиз.

1966 йилдан сўнг эса Ватанимизнинг турли бурчакларида ҳар хил кучга эга бўлган зилзилалар содир бўлган. Улар: Газлида (08.04. 76; 17.05. 76, 20.03. 84), Товоқсойда (06.12.77), Назарбекда (10.12.80); Чимёнда (06.06.82), Попда (17.02.84). Булардан ташқари, қўшни ҳудудларда ҳам бир неча марта зилзилалар бўлиб ўтган. Ушбу маълумотлар заминимиз зилзила жараёнлари кўп учрайдиган ҳудудга кириб, ҳозирда ва келажакда ҳам бўлиш эҳтимоли юқорилигидан далолат беради.

Замонавий илм-фан, тараққиёт қанчалик юксакликка кўтарилган бўлса-да, ҳануз сайёрамиздаги кўпгина жумбоқлар ўз ечимига эга эмас. Хусусан, зилзила тўғрисида фикр юритар эканмиз, у қачон, қаерда, қандай кучга эга бўлади деган саволлар нафақат шу соҳа мутахассисларини, балки аҳолини ҳам ташвишлантиради.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, юқоридаги саволларга жавоб қидириб, республика олимлари кўпгина ишларни амалга ошимоқдалар. Бу борада Сейсмология, Механика ва Сейсмик бардошлик иншоотлари институтларининг фаолияти таҳсинга сазовор.

Айниқса, халқаро «Радиус» дастури, яъни уй-жой, саноат иншоотлари қурилишида биноларнинг барқарорлиги ва пишиқлиги бўйича маълум натижаларга эришилганлиги кишини қувонтиради албатта.

Шубҳасиз, Тошкент зилзиласи ва ундан кейинги зилзилаларни келажак ишларимизда турли табиий офатлардан келадиган зарарни камайтириш, аҳолининг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимо ҳушёрликка чорловчи қўнғироқлар деб қараш мумкин.

*Тадқиқотлар*

# УЛУҒБЕКНИНГ БУЮК ШОГИРДИ

Алишер Навоийнинг Самарқанддаги фаолияти ва ижоди (1465—69) ўзбек адабиётининг нодир саҳифасини ташкил этади. Алишер Навоий Самарқандга Мирзо Улуғбек вафотидан 16 йил ўтгач келади ва бу ерда 4 йил яшайди. Бу даврда Самарқандда Мирзо Улуғбек академияси ва илмий мактаби фаол ишлар эди. Ҳазрат Навоий Мирзо Улуғбекнинг мадраса ва расадхонасида икки йил таълим олади. Бу пайтда Самарқандда илми нужум, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, ҳадис ва фиқҳ илмлари кенг ривож топган бўлиб, айниқса, фалакиёт илмини чуқур ўрганишга катта имконият бор эди. Алишер Навоий «Мажолисун нафоис» асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Донишманд (Улуғбек) подшоҳ эрди, камолати бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат (астрономия) ва риёзийни хўб билур эрди. Андаким зиж битиди ва расад боғлади ва холо анинг зижи арода шоеъдур».

Маълумки, Қуръони каримни Муҳаммад пайғамбаримиз етти қироатда ёддан айта олганлар. Қуръон нозил бўлганда фаришталар Жабраил алайҳиссалом орқали пайғамбаримизга уни етти қироатда ёдлатади. Қарангки, ҳозир Қуръон нозил бўлганига 1400 йил бўлди, шу давр ичида Қуръони мажиднинг маъносига футур етмаган ҳолда етти қироатда ўқийдиганлар жуда кам ўтишган.

Айтишларича, Қуръонни етти қироатда ўқийдиган иқтидорли кишилар ҳар юз йилда бир марта туғилар экан. Навоий Мирзо Улуғбекнинг бу хусусиятини ёзиш билан унинг ўта иқтидорли бўлганлигини таъкидлайди.

«Зижи арода шоеъдур» ибораси Мирзо Улуғбек асари барча мударрис ва шогирдлар қўлидан тушмас эди, деган маънони билдиради. Ана шундай шогирдлардан бири Навоийнинг ўзи эди. Юқорида эслатганимиздек, Самарқандда Навоийнинг фалакиёт илмини пухта ўрганиши учун ажойиб илмий муҳит бор эди. Навоий Улуғбекнинг ҳамсабоқ дўстлари Муҳаммад Олим, Ҳожа Уҳд Мастунийлардан фалакиёт сирларини ўрганади. Бу ҳақда Навоий ёзади: «Ҳожа Уҳд Мастуний ўз асрининг ягонаси эрди. Илм ва фунун билур эрди. Аммо фалакиётда шуҳрати бор эрди. Бу фақир ул бузругвор суҳбатига етар эрдим». Бошқа бир жойда «Ҳожа Хурд Улуғбек Мирзо мадрасасининг мударрисидир. Мавлоно Бадахшига... Улуғбек Мирзонинг дағи кўп илтифоти бор эмиш» — деб ёзади.

Мазкур манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий фалакиёт ва коинотга доир чуқур илмини энг аввало Самарқандда, Улуғбек мадраса ва расадхонасида олади ва уни асарларига усталик билан сингдиради. Бу билимлар «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» каби достонларида атрофлича ёритилган. Жумладан, «Садди Искандарий» достонида икки кишини бир юлдуз бошқаришини баён қилади:

**Бир ахтар қилиб иккига парвариш,**
**Берур майл иковга табиий кашиш.**
**Ул ахтарга ҳар не асар бўлғуси,**
**Ки ул хайр йўқ эрса шар бўлғуси.**

Дарҳақиқат, икки кишини бир юлдуз парвариш қилади, яъни юлдуз жозиба билан уларни бир-бирига боғлайди. Шунингдек, агар аллақандай куч юлдузга таъсир кўрсатса, юлдуз ҳам ўз навбатида ҳалиги икки кишига таъсир қилади ва уларни бошқаради.

60-йиллардан кейин ёзилган баъзи мақолаларда Алишер Навоий асарларидаги фалакиёт ва коинотга доир фикрлар кўпроқ Юнонистонга боғлаб ўрганилди ва Самарқанд фалакиёт мактабига кам эътибор берилди. Ҳолбуки, ишончли манбалар Навоийнинг фалакиётга доир билимларини Самарқандда, Мирзо Улуғбек мадрасасида олганлигини кўрсатади.

**Иноятулла СУВОНҚУЛОВ,**
**филология фанлари доктори**

*Хотира*

Ғайбуллоҳ ас-САЛОМ

# АЛП ЖАМОЛ — ОЙНАИ ЖАҲОНДА

## 1. ТИКУВЧИНИНГ МИНГ УРГАНИ — ТЕМИРЧИНИНГ БИР УРГАНИ

Уйда телевизор қаршисида ўтириб томоша кўраётган эдик. Иттифоқо хабар қилиндики, шингил кўрсатувда (миниатур) «Ғизғизон» намойиш этиларкан. Муаллиф — Алп Жамол. Кейинчалик билсам, бу ўша вақтгача (олтмишинчи йилларгача) менга тамом нотаниш бўлган бир адибнинг адабий тахаллуси бўлиб чиқди. Бора-бора номи миллион томошабинларнинг оғзига тушган Жамолиддин Асомиддин.

Хуллас, томоша бошланди... Баҳс ҳасад, иғво, туҳмат, фисқ, «юмалоқ хат» хусусида эди. Ҳозирги ёш авлод «юмалоқ хат» (анонимка) деб ном олган жирканч иллат — имзосиз чақув нималигини билмайди. Бу «ривожланган социализм» даври фуқаролари — минглаб кишиларнинг қонини бузган, асабини қақшатган ўта носоғлом ҳодиса эди. Қиёфасиз ҳасаднома.

Албатта, элчилик, юртчилик, ўзбекчилик... Жамият экан, ҳамма бирдай «фаришта» бўлмайди. Бир яхшига бир ёмон. Дордан қочган, юлғич, ўғри, порахўр, амалпараст, айғоқ, худобехабар кимсалар ҳам унда-бунда рўпарадан чиқиб қолади. Шахси номаълум иғвогар (анонимкачи) ўзини гўё ана ўшандай нопок кишиларни фош этувчи виждонли, жабрдийда ёки адлу адолат учун курашувчи «валломат» деб билади. Не ажаб. Улар етказган чақувлар орасида ҳар ўнтасидан биттасида далил-даъво баҳарнав тўғри бўлиб ҳам чиқади. Қолган тўққизтаси ғирт уйдирма.

Афсус-надоматлар бўлсинки, ҳар қандай ҳолда ҳам иш юзсиз юмалоқномачининг ғалабаси билан якун топади. Тошни чумчуққа урсангиз ҳам, чумчуқни тошга урсангиз ҳам чумчуқ ўлади. Хат юзасидан текшир-текшир, комиссиябозликлар бошланади. Миш-мишнинг бозори қайнайди. Бегуноҳ одамлар соғлигидан айрилади. Фалаж, инфаркт, инсулт, саратон... Баъзан иш ўзини ўзи ўлдиришгача бориб етади. Номусига чидаёлмай, ақлдан озиб қолганлар, соппа-соғ бўла туриб жиннихонага қамалганлар ҳам бўлган. Гоҳи пайтларда хизмат тепасида турган баъзи масъул раҳбарлар, қаллоб хўжайинларнинг ўзлари, айбни бошқаларнинг гарданига тўнкаш, сувдан қуруқ чиқиш, жиноят изларини ёпиб юбориш учун имзосиз «сигнал»ларни ташкиллаштирадиган бўлди. Кўплар қувилди, қамалди, ишдан бўшатилди. Шахсий варақасида қайд этиш шарти билан огоҳлантириш, ҳайфсан олганлар, сазойи қилинганлар қанча!..

Бу иллат бутун собиқ мамлакат бўйлаб кенг ёйилди.

Нима қилиш керак?

Одамлар, хаста жамият қаттиқ изтироб чекаётган, ниҳоятда оғриқли ва мубҳам бир вазиятда... «Ғизғизон» пайдо бўлди. Ҳажми атиги бир варақ. Аммо саҳнада ёркин ижро этилгани туфайли унинг таъсир кучи одамларнинг шундоқ кўз ўнгида баайни бомба портлаганчалик бўлди.



Суратда: Комил Яшин (чапдан биринчи), Жамолиддин Асомиддинов (ўнгдан иккинчи) замондош ёзувчилар билан.

## 2. «ҒИЗҒИЗОН»

**Хотин эридан сўрайди:**

**— Дадаси, ану Бердивой устидан ёзган «юмалоқ» аризамиз текширилаяпти, деган эдингиз, шу нима бўлди?**

**Махсум қайнаб кетади. Маълум бўладики, «юмалоқ полвон»нинг бозори касод. Шумлиги, иғвогарлиги билан эл-юртга отнинг қашқасидай танилиб қолган. Ҳатто «дастхати»нинг ҳам оҳори тўкилган. Бировнинг устидан хуфёна ёзса ҳам дарҳол ошкор бўлади. Шунинг учун ифлос чақувчиларни хотинининг қўли билан ёздиради. Турган гап, ёлғон маълумотлар текширувда тасдиқланмайди. Аммо бизнинг «қаҳрамон» ўзидан кўрмайди. Хотинига зуғум қилади.**

**— Қўлинг бехосият сенинг!..**

**Чунончи, Қосим мелисани ёзишганида, у ишдан қувилиш ўрнига аввал лейтенантлик мартабасига кўтарилади. Яна бир марта анақа хат ташласак, катта зобит, ажабмас, бора-бора полковник бўлиб кетиши нақд, дейди саросимага тушиб қолган ғизғизон.**

**— Сенинг акашак бўлгур қўлинг билан битилаётган бу тахлит хатлар акс-таъсир бераяпти, — деб нолийди у. — Одамлар пасайиш, йўқолиш ўрнига, обрў орттириб, гуриллаб ўсиб бораётибди. Баайни бировни юқорига кўтармоқчи бўлишса, мен чақув уюштиришим керакдай!**

**Хотини эътироз билдиради.**

**— Мени ёзаман деб кўзим учаяптими? Ёз, агар ёзмасанг ухлолмайсан, дейсиз. Жон ҳиқилдоққа келди, деб ёздирасиз. Яна қўлинг бехосият келди, дейсиз. Қўлим хосиятли экан, ёзган одамларимизни амали ортаяпти...**

**Ғизғизон ўйланиб қолади. Дарвоқе!! «Нега энди шундоқ қўлбола, мўмай имкониятдан ўзим фойдаланмаслигим керак? Кел, бу гал унинг қўли билан ўзимнинг устимдан бўҳтон ёғдириб, имзосиз битикни думалатиб юбораман. Вассалом. Ҳаш-паш дегунча, қарабсизки, оғизга тушиб, мартабам ошиб кетади». Шу зайл қўш қабатли шайтоний тадбирни кашф этади. Хотинига бу гапни ошкор этганида, у кўнмайди.**

**— Ўлинг... Сизни ёзиб бўлмайди. Текширса, ҳаммаси тўғри чиқади.**

**Шу тариқа Алп Жамолнинг олчоқ қаҳрамонлари, билиб-билмай бир-бирини ва ўз-ўзини фош этади.**

## 3. ҚАРҒА «ФАЛСАФА»СИ

Бошқа бир Ғизғизон билан Захилнинг ўз-ўзини фош этиши билан танишинг:

Ғ.: — Ўзаро гап-ку, кўролмаслик ёмон касал экан-да, дўстим. Ўзим-ку бировга яхшилик қилган эмасман ва қилмайман ҳам. Аммо биров бировга яхшилик қилаётганини кўрсам, бошарам кўкариб, қалтираб, ғалати бир ҳолда қоламан.

З.: — Кўролмаслик қурсин, дўстим. Ўлмаган менинг жоним.

Сиз-ку биров-бировга яхшилик қилса кўролмас экансиз.

Менинг касалим шундайки, ўзимга биров яхшилик қилса ҳам кўролмайман. Ўша он нафасим тиқилиб, кўнглим бир хил бўлиб кетади.

Ғ.: — Ў... Сизнинг касалингиз ўтинқираган экан...

З.: — Ҳа, баъзан қаттиқ ўйлаб, хавфсираб, хавотирланаман.

Ғ.: — Кимдан?

З.: — Сиздан!..

Ғ.: — Мендан?!

З.: — Ҳа, сиздан!.. Вақти келиб иккаламиз бир-биримизнинг устимиздан ёзиб, тўқнашиб қоламизми, дейман-да!

Ғ.: — Нафас деганни иссиқроқ қилсангиз-чи. Қарға қарғани кўзини чўқимайди.

З.: — Чўқимайди-ю... Ҳарқалай қарға қарға-да...

## 4. ТУТУН

**Яна аввалги, «асосий» «Ғизғизон»га қайтамиз.**

**Ғизғизон (Ғ.): — Дарвоқе, бугун қўшниникида тўй бор-а?**

**Хотин (Х.): Ҳа, тўйга чиқмайсизми?**

**Ғ.: — Тўй? Нима, мени биратўла ёниб кетсин, демоқчимисан? Нарвон қани, узун нарвон?**

**Х.: — Нарвонни нима қиласиз?**

**Ғ.: — Электр симларини узиб ташлайман. Бир машмашасини кўрай.**

**Х.: — Вой ўлай, дадаси, ўзимизни ҳам сим ўшанга уланган. Қоронғида ўтирамизми?**

**Ғ.: — Қоронғидамуш. Мени юрагимда олов ёнаяпти, олов, оловни ёруғида ўтирасан.**

**Аслида-ку, бу бадбахт нокаснинг қора юрагида ёлқинланадиган «йилт» этган оташ йўқ. Ичи тўла бурсаб ётган қоп-қора тутун. Қўйингки, нарвонни қўшни ҳовлисининг деворига тираб, қўлида қайчи билан дувлиқиб чиқади-ю, электр симларини шарт қирқади. Шу пайт ўзини ток уради-да, ерга чала ўлик ҳолатида гуп этиб йиқилади. Одамлар қутқазиш учун уни ерга қўмишаётганда, бир қоп гўшт бўлиб ётган ғизғизон кўзини аранг очади ва хотинидан сўрайди:**

**— Чироғи... ўчдими?**

**— Ўчди.**

**— Хайрият.**

**Ўзи жон таслим қилаяпти, лоақал ўлим олдидан бўлса ҳам қилмишидан пушаймон бўлмайди. Тавба қилмайди. Мусулмон киши сўнгги дамда калимаи шаҳодатини ўгиради. У бўлса... бировларнинг ёниб турган ҳаёт шамини ўчиргани билан роҳатланади.**

**Мусибатнинг авж пардаси шу, ва шу ерда воқеа анжом топади. Бундай олганда, қўшнининг ва умуман бировнинг чироғини ўчиришни хайрият эмас, фалокат, касофат, гуноҳи азим дейдилар.**

**Бас, бадкор, бадбин, фосиқ, муртад кимсанинг лафзида учраган энг яхши сўзлар ҳам нурсизланади, оҳори тўкилади. Яшнаб турган чўғ қоп-қора кўмирга айланади.**

**Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам,**
**Нур эл кўзидан англаса ўз кўзида кам.**
**Кўзларни олишмоқға чекиб тиғи ситам,**
**Эл кўзини ҳам ўйғаю, ўз кўзини ҳам.**

**(Алишер Навоий)**

## 5. ПИСТА

Бор-йўғи бир саҳифалик «бир чимдим» воқеани катта саҳнага, теледийдор ойнасига олиб чиқиш ниҳоятда қийин, бағоят масъулиятли иш. Зеҳн таранглашади. Қалам таранглашади. Қалам толиқади. Сўз бамисоли Маъно бағрида эриб кетади. Бу ерда муқаддима, баён, якун, изоҳ, илова йўқ. Адиб яйраб ижод қилолмайди. Қанот ёзолмайди. Ўқувчига (томошабинга) ўз муддаосини етиғи билан «тушунтиролмайди». Унинг ихтиёрида бир варақ қоғозу, 10-15 дақиқа муҳлат бор, холос. Вақт зиқ. Ана шу митти имкониятдан мўл ҳосил кўтариши керак. Бармоқларини букиб, муштини қаттиқ тугади. Мазмуни рўмонларга, қиссаларга, кинофилмларга татийдиган ижтимоий дардни жажжи санъат асари қатига жойлайди. Бамисоли писта пўчоғидан кема ясаб, катта сафарга чиқади...

Алп Жамол тинимсиз ижод машаққатлари оша ўз томошабинларининг қалбига етиб бора олади.

## 6. УШБУ — БУЗОҚ ЭРУР

**Рассом жамоа хўжалиги раисининг қабулхонасида. Қўлида сурат. Раис бува ишхонасидан чиққан ҳамоно «ноёб санъат асари»ни унинг қўлига тутқазади. Жамоа хўжалигининг клуби учун атайин чизганини писанда қилади.**

**— Бу ниманинг тасвири? — сўрайди раис ажабланиб.**

**Маълум бўладики, нодир зотли ноёб бузоқнинг расми эмиш.**

**— А?! Шу... бузоқми?**

**— О, бузоқ бўлганда қандоқ! Қаранг, «... бузоқ пахта орасида ёввойи ўтларни териб еяпти. Тоғ бағрида она сигир ота ҳўкиз билан мўралаб турибди...»**

**— Бузоқ пахта ичида юрадими? Ҳаммасидан қизиғи: буни чизган рассом афанди бузоқни кўрганми ўзи?.. Қулоғига қаранг, қулоғига. Туянинг қулоғига ўхшаб турибди. Туёғи эшакнинг туёғидай думалоқ. Бошараси худди туллаган айиқнинг ўзи. Айтгандай, думи қани, думи? Балким думи хуржундадир? Буни кўрган одам ўлақолса бузоқ демайди...**

**— Нега бузоқ демасин. Зотли жонивор. Жазаси икки калима сўз. Тагига ёзиб қўямиз. «Ушбу бузоқдир» деб. Қарабсизки, бузоқ бўлади-қолади. Ҳа-да. Нархи ҳам унча қиммат эмас. Сув текин. 1.400 сўм.**

**— 1.400? Бизда тирик бузоқнинг нархи 140 сўм туради.**

**— Буни тирик бузоққа қиёс қилиб бўлмайди. Бу портрет. Бу санъат...**

**— Бу жониворни олиб кетинг-да, чизган рассомнинг бўйнига илинг. Тортинг тирраки бузоғингизни!**

**(Раис чиқиб кетади. Рассом ўзича:)**

**— Вой, тушунмаган-эй! Шундоқ нодир асар қаёкда-ю, тирик бузоқ қаёкда?!**

## 7. «ПАХТАЗОРДА КЎРДИМ БАРНО БЎЙИНГНИ, ЎРГИЛАЙ!!!

Мазкур «она сигир» билан «ота-ҳўкиз» зурриёди ҳақидаги ҳангомани суҳбат чоғида раҳматлик Алп Жамол менга завқ-шавқ билан айтиб берган. Роса кулишгандик. Бу ердаги ҳар бир жумла, ҳар бир луқма ҳамда тафсилот диққатга лойиқ. Адиб оғир фожиани енгил кулги билан «хаспўшлагандай» бўлади.

Эътибор қилинг-а. Тасвирда бузоқ... пахтазорда ўтлаб юрибди. Бу гўё рассомнинг хатоси ва рассомнинг хатоси ҳам эмас. Муаллиф қавс ичида айтмоқчики, **пахта яккаҳокимлиги** ҳаммаёқни булутдай қоплаб ётибди. Ҳатто мол-ҳолни боқишга ҳам кафтдай кўкаламзор, қўриқ, дала қолмаган. Қаёққа қараманг — пахта, пахта, пахта... Қинғир сиёсат оқибатида жоҳилият даврида оппоқ момиқ ялмоғизга айланиб, деҳқоннинг силласини қуритди. Қонини зулукдай сўра бошлади... Аммо бу гапни ошкор айтиб бўлмасди. Зинҳор базинҳор. Шу сабабли у айланма йўлдан ўтиб, «қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит» қабилида иш кўрган. Туллаган айиқ ҳолига тушган гўсалани нўноқ, калтафаҳм рассомнинг иши қилиб кўрсатиб, пахтазорнинг қоқ ўртасига обориб жойлаштирган. Бўлмаса қаёққа ҳам қўйсин? Коса тагидаги ним косани томошабиннинг ўзи кўриши ва фаҳмлаши даркор эди. Баайни шундайки: уқувсиз рассомнинг хато қилишга «ҳаққи» борми? Бор. Аммо бу антиқа нуқсоннинг остида қандай сиёсий мина яширинганини тушуниб етиши учун томошабин зукко бўлиши, ўйлашни ўрганиши керак.

Бунчалик заҳарханда, пичинг, кесатиқ, «йўғон вазиятларга нозик ошоралар» — нечун? Жамолиддин Асомиддиновнинг АЛП ЖАМОЛЛИГИ асти шунда эди. Зоҳиран майда-чуйда, назарногир, беозор бўлиб кўринган тафсилотлар, улар замирига яширинган ҳажв-кулги орқали фожианинг туб моҳиятини очиш. Балога балогардонни рўпара қилиш.

## 8. ГУЛ ВА ТИКАН

**● Алп Жамол 1915 йилда Тошкентнинг Чувалачи маҳалласида туғилган. 75 йил умр кўрган.**

**● 30-йилларнинг адоғида машҳур бахши Фозил Йўлдош ўғлига мирзалик қилади. Кўплаб халқ ижоди намуналарини унинг тилидан ёзиб олади.**

**● Умрининг турли даврларида матбуотда хизмат қилган. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари ҳақида «Шаҳидлар» деган шеъри учун таъқиб қилинган. «Ўлса — шаҳид, ўлдирса-ғозий»: бу дин йўлидаги тамойил, бинобарин, ватан уруши қаҳрамонларига бундай сифатларни нисбат бериб бўлмайди, деган сохта айблов билан ишдан бўшатилган.**

**● 50-йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходимлик қилган. Мумтоз адабиётни, айниқса Алишер Навоий билан Юсуф Сарёмий ижодини чуқур билган. Институтда «Навоийнинг ислом динига муносабати» мавзуида ўтказилган катта илмий анжуманда буюк мутафаккир ижодига даҳриёна муносабат билдиришиб, уни «худосизга» чиқарганларига қаттиқ эътироз билдиради. Ҳазрат Навоийнинг даҳрий бўлиш нари турсин, ислом ҳомийси, чуқур художўй инсон бўлганликларини исботлайди. Бу «шаккоклиги» марксист, атеист адабиётшуносларнинг қаҳрини келтиради. Ўша куниёқ Академиядан ҳам ишдан қувилади.**

**● Шундан сўнг 10 йил давомида Ҳастимом бозорида бозургонлик қилиб кун кечиради. Бир даҳшатли бахтсиз ҳодиса орқасида (гулдай ўғли Алпиддин билан қизалоғи Марҳамат автомобил фалокатида ҳалок бўлади) бозорни тарк этиб, умрининг охиригача яна қалам хизматига, ижодий ишга юзланади.**

**● Алп Жамол 300 га яқин шингил кўрсатувлар (миниатур) муаллифи. «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» мавзуларида 60 та сценарий ёзган. Унинг қаламига мансуб 12 та пиеса Тошкент, Гулистон ва бошқа вилоят театрлари саҳналарида қўйилган. (Гулистон театрида «Тегманг, қитиғим келади» мажмуасидаги асарлар 500 марта ўйналган).**

**● Салкам 40 йил давомида адабиёт, санъат ва техникавий воситаларнинг муштараклашиб, яхлит ва ҳайратангиз маданият юзага келишида улкан хизмат кўрсатди. Шингил кўрсатувлар ҳамда «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи»га тамал тошини қўйди. Янгича теледийдор тафаккурининг қарор топиши ва ривожланишида ўз ҳиссасига ва ўрнига эга.**

**Давоми бор.**

*Ҳамма билсин ва уддаласин*

# ЗИЛЗИЛАСИ

Бинобарин, бу борада ер ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни тезкор етказиб берувчи жойлардаги таянч сейсмик расадхона (станция)ларнинг фаолиятини қайта кўриб чиқиш, уларнинг сонини ошириш ва сифатини яхшилаш айни муддаодир.

Зеро, шу маълумотлар асосида зилзила бўлиш ёки бўлмаслиги аниқланар экан, расадхоналарнинг техник воситалари, моддий ва маънавий таъминланиш даражасига катта эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, сейсмик расадхоналар қаторида зилзиладан далолат берувчи табиий даракчилар (ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ва ҳ. к.)ларни ҳам илмий кузатиб боришга тўғри келади. Ватанимизнинг пойтахти ҳозир улкан маданий қурилишлар майдонига айланди. Мустақиллик шарофати ила, Президентимизнинг одилона ва барқарор сиёсати негизида Тошкентнинг нуфузи ошиб, чиройи очилиб, жаҳоннинг мана-ман деган шаҳарлари қаторида бўйбастини расо кўрсатмоқда. «Шарқ дарвозаси» ҳисобланган пойтахтимиз нафақат «Дўстлик шаҳри», балки тенглар ичра тенг, мустақил ва ҳур давлатнинг пойтахти, бош шаҳри сифатида намоён бўлмоқда. Лекин шу билан бирга, кундан-кунга гўзаллашиб бораётган пойтахт шаҳарнинг муносиб аҳолиси бўлиш учун нималарга эътибор бериш лозимлиги тўғрисида ҳам баъзи мулоҳазаларни таъкидлашга тўғри келади. Маълумки, шаҳар аҳолисининг аксарияти кўп қаватли биноларда истиқомат қилишади. Бу бинолар лойиҳа-чизмалар, қатъий ҳисоб-китоблар асосида қурилади. Афсуски, умумий яшаш қоидалари бинолар аҳолига топширилгандан сўнг қўпол равишда бузилмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, уйга эга бўлишимиз биланоқ ўзимизнинг шахсий эҳтиёжимиздан келиб чиққан ҳолда хоналарни ўзгартиришга берилиб кетамиз, қўшимча айвонлар соламиз, гўё «ортиқча» туюлган деворлар олиб ташланади, иккита хона биттага айлантирилади ва ҳоказо. Бундай ҳолатларга чек қўйиш вақти келди.

Акс ҳолда бино заиф бўлиб қолишига, унинг турли офатларга бардошлиги камайишига сабабчи бўламиз. Бу нималарга олиб келиши эса ўзингизга аён.

Уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларини маҳалла-гузарларда, кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиниб, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бунга нафақат пойтахт аҳолиси, балки республикамизнинг ҳамма аҳолиси амал қилса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Табиий офатлар тўғрисида, хусусан, зилзила ҳақидаги тасаввурга мактаб ўқувчисидан тортиб, раҳбар ходимларгача эга бўлиши зарур деб ўйлаймиз. Бунинг учун биринчидан, мактаб дарсликларида Ватанимизнинг харитаси билан бир қаторда сейсмик ҳолатини намоён қилувчи чизмалар илова қилиниши керак. Ўқувчи шу чизмалар асосида қаерда неча баллдан зилзила бўлиши мумкинлигини англаб олади. Иккинчидан, зилзила бўлган тақдирда аҳоли қандай тартибда ҳаракат қилиши кераклиги тўғрисидаги, уйнинг қайси жойлари хавфсиз бўлишини кўрсатувчи кичик-кичик чизмали эслатмалар чиқариб, уларни аҳоли ўртасида тушунтириш зарур. Бу муаммони ёритишда радио ва телевидение тармоқларидан фойдаланиб, «Буни ҳамма билиши, ва уддалаши керак» деган мавзу билан чиқишлар қилиб туриш бу борадаги саъй- ҳаракатларимизга ижобий таъсир кўрсатиши табиийдир. Ушбу доирасидаги ишлар фуқаро муҳофазаси институтида ҳам олиб борилмоқда. Демак, кўрсатув-эшиттиришлар қизиқарли ва асосли бўлиши учун шу соҳада маълум тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчилар жамоаси маслаҳатларидан фойдаланиш уларнинг таъсирчанлигини оширади.

Умуман олганда, ҳаётимиз турли-туман табиий офатлардан кафолатланмаган. Уларни ўрганиш, маълум тайёргарлик чораларини кўриш эса хавфнинг олдини олиш ёки у келтириладиган зарарни бир неча бор камайтиришга олиб келади.

Зеро, табиатнинг ёзилмаган қонуниятлари кўп ва у фақат ўз қонунлари доирасида яшайди. Табиатни, табиий ҳаракат мағзини ўрганмоқ, бизни унинг сир-синоатларидан воқиф қилади.

**Анварбек НУРХЎЖАЕВ,**
**Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи,**
**Ихтибор ТЎЙЧИЕВА,**
**Геология-минералогия фанлари номзоди**



Қизлар мажлисида муҳаббат васфи...

*Маданий ҳамкорлик*

# ЎЗБЕКИСТОН ИККИНЧИ ВАТАНИМ

Ҳиндистонлик таниқли олим, адабиётшунос, моҳир таржимон, жамоат арбоби Қамар Раис ўзбек халқининг дўсти. Қамар Раис биринчи маротаба 1962 йилда Тошкент Давлат университети Шарқ факултетига урду тили ва адабиётидан дарс бергани келган бўлса, кейинроқ иккинчи маротаба яна университет маъмуриятининг таклифига биноан Шарқ факултети ҳинд филологияси кафедрасига урду тили ва адабиёти бўйича профессор лавозимига таклиф этилган эди. Бу даврда Қамар Раис Ўзбекистонда ўнлаб яқин дўстлар орттирди. Унинг дўстлари ўзбек адиблари, олимлари, чунончи Зулфияхоним, Ғафур Ғулом, Ҳамид Ғулом, Эркин Воҳидов ва бошқалар билан мустаҳкам ижодий алоқалар ўрнатди. Шарқ факултети талабаларига урду тили ва адабиётидан сабоқ бериш билан бирга фаол ижод қилди. Ўзбек ва ҳинд китобхонларини ҳар икки мамлакат адабиёти намуналари билан таништира бошлади.

1966 йили ҳиндистонлик олим «Кашмир қўшиғи»ни ҳинд тилига таржима қилди. 1965-66 йиллари урду тилининг моҳир устаси, марҳум Раҳмонберди Муҳаммаджонов билан биргаликда атоқли ўзбек шоири Ғафур Ғуломнинг танланган шеърлар тўпламини урду тилида чиқарди. Бизнинг кунларимизда учинчи маротаба Тошкентга келган Қамар Раис ўзбекистонлик дўстлари билан самимий, биродарларча қучоқ очиб кўришар экан: «Азизларим, менга муқаддас бўлган иккинчи она-Ватанимга келганимдан беҳад хурсандман», деди.

Шу йиллари моҳир таржимон Ўзбекистоннинг кўзга кўринган 16 шоири шеърларини урду тилига таржима қилиб, Ғафур Ғулом нашриётида «Шуароэ Ўзбекистон» (Ўзбекистон шоирлари) номида чоп этиб, ҳиндистонлик китобхонларни ўзбек шеърияти билан таништиришга ҳисса қўшди.

Камтарин олим ва шоирнинг ўз навбатида ўзбек тилида «Шеърлар» номли китобининг чиқиши қувонарли воқеа бўлди. Қамар Раис ўзбекистонлик шеърият мухлисларига Шарқ шеърияти юлдузларидан бири Мирза Асадуллахон Ғолибнинг «Шайдо» деб номланган шеърлари ҳамда Ҳиндистон ҳаётига бағишланган «Бир Хоним саргузашти» асарини тақдим этди. Бу асарлар ўзбек китобхонларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбек тили ва адабиётини жон-дилдан севиб ўрганган олим Ўзбекистон халқлари ҳаётида истиқлолга эришгандан кейин рўй берган улкан ўзгаришлар, миллий озодлик ва ўз-ўзини англаш жараёнларини зукколик билан кузатиб кўз ўнгида юз берган катта воқеалардан таъсирланиб «Ўзбекистон инқилобдан инқилобгача» номли асар ёзди. Бу мазмундор китоб Ҳиндистонда «Тахлилкор» нашриётида 1997 йилда икки маротаба нашр қилинди. Унда адиб, шоир ва жамоат арбоби Ўзбекистон бўйлаб қилган сафарлари, бағри кенг, танти ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, очиқ кўнгиллилиги ҳақида тўлқинланиб ёзди. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мустақил давлат асосларини мустаҳкамлаш миллий қадриятларни рўёбга чиқаришда амалга оширилаётган улкан ишлари, Имом Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур ва Бобур сингари улуғ намояндаларнинг руҳларини шод этиш, Ўзбекистонни жаҳонга танитиш халқаро анжуманлар ўтказиш, тарихий обидаларни тиклаш ва маданий кошоналар қуришда кўрсатаётган саъй-ҳаракатларини ҳаққоний ҳикоя қилди. Асарда, шунингдек, мустақил Ўзбекистонда ислом динига, ислом маданиятига муносабат тубдан яхши томонга ўзгараётганлиги, Қуръони карим, Ҳадиси шариф каби муқаддас китоблар Ўзбек тилига таржима қилинганлиги ва дин уламоларининг асарлари чоп этилганлиги ҳақида ҳаяжонланиб ёзди.

Асар охирида муаллиф ўзбекистонлик бир қатор ҳиндшунос дўстлари ҳақида дил изҳорларини баён қилди.

1994 йили адабиётшунос олимнинг кўп йиллик эзгу орзуси ушалди. Унинг Алишер Навоий ҳақидаги йирик «Ўзбекистон ва Алишер Навоий» тадқиқоти (урдушунос олим Раҳмонберди Муҳаммаджонов ёрдамида) Ҳиндистонда «Ҳаряна урду» Академияси ҳомийлигида кенг китобхонларга етиб борди.

Асар ўзбекистонлик ҳиндшунос дўстларга бағишлов билан бошланади. У тўрт қисмдан иборат.

Биринчи қисмида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилинса, иккинчи қисмда эса Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритилади, учинчи ва тўртинчи қисмларида Алишер Навоийнинг ғазаллари ва ҳикматли сўзларининг урду тилига таржималари тақдим этилади. Бу мазмундор асар ҳиндистонлик дўстларимизга Навоийни таништиришда катта аҳамият касб этади.

Олим ва адиб Қамар Раис бугунги кунда Тошкентда Ҳиндистоннинг Маданий Марказининг директори лавозимида икки дўст мамлакат ўртасида илмий, маданий маърифий алоқаларни амалга оширишда тинмай ишламоқда, илмий семинарлар, мустақиллик кунларига бағишланган кечалар, ўзбек ва ҳинд адиблари, шоирлари ҳақида суҳбатлар ўтказмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, профессор Қамар Раис бошчилигида Ҳиндистон Маданий Маркази Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқлари маданиятларини тарғиб қилиш ва яқинлаштиришда катта ютуқларга эришади.

**Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ**

Иброҳим ЮСУПОВ

## БУ ДУНЁ

1

Одам ўғли, ўз кўнглингни шод айла,
Очилсанг, очила берар бу дунё.
Ўтганларнинг васиятин ёд айла:
Йиғнасанг — сочила берар бу дунё.

Ҳалол меҳнат билан топса дунёни
Ҳақ ниятли эр йигитнинг армони.
Ҳийла қилсанг, алдайман деб сен они —
Шумлиғин ошира берар бу дунё.

Элдан ортиқ яшамайман деб агар сен —
Манман бўлсанг, ўзинг азоб чекарсен,
Тулкининг изидан този юборсанг,
Туттирмай, қочира берар бу дунё.

Олтин деб йиққанинг темир тот бўлиб,
Охирида изза ерсан мот бўлиб,
Сен қувсанг, ул сароб паризод бўлиб
Юзларин яшира берар бу дунё.

Бу дунёнинг берган аччиқ сабоғин
Ҳар кўрганда шукур айла, тавба қил,
Ошиқ Аёз, очиқ турсин қабоғинг,
Ёпилсанг, ёпила берар бу дунё.

2

«Бу дунё беш кунлик, ёлғончи деган»
Бурунгилар айтган сўзин-да бордир.
Ошиқади биздан қолганча дерлар,
Бевафолик кулар юзинда бордир.

Тангрим бул дунёни йўқдан бор этди,
Бандам яшасин деб лолазор этди.
Лекин ғофил банда ўзидан кетди:
Баъзида инсоф йўқ, баъзинда бордир.

Дунё деб одамзод бир-бирин қирган,
Шайтон ғулғуласи ҳақ йўлдан урган,
Бул учун не ёзиқ дунёда турган?
Ҳар бало одамнинг ўзинда бордир.

Бу дунё ёлғончи эмас чиннида,
Нафсингни тий, деган асли қадимда,
Бир ҳовуч тупроққа тўлгани зумда
Очкўзлик одамнинг кўзинда бордир.

Ошиқ Аёз, ҳақ йўлидан юрмаса,
Бу дунёнинг гўзаллигин кўрмаса,
Бул сўзга вақтида маъни бермаса,
Қаттиқ пушаймонлар изинда бордир.

## БОЗОР

Панжарасиз бу дунёнинг
Ҳозир эркин бозори кўп.
Ер юзидан дунё молнинг
Келиб турган гузари кўп.

Ҳар ким унга борин солган,
Ҳатто номус-орин солган.
Биров қувнаб савдо қилган,
Бировларга озори кўп.

Асил гавҳар, зари ҳам бор.
Аптекада йўқ дори ҳам бор.
Пулинг бўлса, бари ҳам бор,
Пулсиз кўзнинг қизари кўп.

Ҳар ким фойдасин кўзлаган,
Ёлғон-яшиқдан сўзлаган,
Бироқ бунда мен излаган
Муҳаббатнинг бозори йўқ.

Шундай бозор бўлганида,
Сен бозорлаб
борганингда,
Шоҳсанамдай боягида..
«Мен Ғарибни сотиб ол» деб
Йиқилардим оёғингга.

* * *

Ўзи қизиқ одамлар
Қизиқ кўрар дунёни.
Ўзи бузуқ одамлар
Бузуқ кўрар дунёни.

Ўзи қизиқроқ одам
Ўйлаб юради фақат:
Дунё деган — тўйбайрам
Қизиқликдан иборат.

Бузуқ одам мудоми
Шумликни ақл билар.
Дунёнинг барча одамин
Ўйлар: «Ёмонлик қилар».

**Ойдин ҲОЖИЕВА таржималари.**

# АЁЛ МЕҲРИ ВА АЛЛА СЕҲРИ

*Сирғалида бўлиб ўтган анжуман шундай аталди*

Хабарингиз бор, пойтахтимиз жанубидаги Сирғали туманига 1966 йилги мудҳиш зилзиладан сўнг асос солинганди. Пойдеворига яйдоқ дала-ю экинзорлар ўрнида илк ғишт қўйилгани боис ўшанда у «Йўлдош шаҳарча» мақомини олганди. Бугунга келиб эса, ишлаб чиқариши, саноати ва маданияти ҳар томонлама равнақ топаётган росмана йирик туманга айланди.

Яна бир жиҳати — Сирғали кўпмиллатли гўшалардан ҳисобланади. Ҳозир бу ерда юздан ортиқ миллату элат вакиллари истиқомат қилишади, аҳил-иноқ, тинч-тотув ҳаёт кечиришади. Ҳар доим ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиб, бир-бирларининг миллий анъана ва урф-одатларига ҳурмат билан қарашади. Бу туйғулар кечаги пайшанба туман «Бахт уйи»да бўлган «Аёл меҳри ва алла сеҳри» кўрик-фестивалида, адашмасам, яна бир карра яққол ўз ифодасини топди.

Тадбир Аёллар йилига бағишланди. Уни жумҳурият «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг туман бўлими ва туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда уюштирди. Дўстона беллашувларда шу ҳудудда яшовчи ўнга яқин миллат вакиллари, чунончи, ўзбеклар, тожиклар, қозоқлар, татарлар, уйғурлар, руслар ва корейслар қатнашдилар. Кўрик-фестивал дастурига кўра, улар энг аввало ўзлари мансуб халқ ўтмиши ва бугуни, миллий маданияти ва турмуш тарзи акс этган фотоалбомлар кўргазмасини намойиш қилдилар. Бу кўргазмалардан ҳар бир халқнинг миллий либослари ва таомларидан намуналар ҳам муносиб ўрин олди.

Тантананинг бадиий қисмида турли миллат оналарининг ўз тилларида айтган аллалари янгради. Болалар тарбиясига доир юмушлар саҳна кўринишлари орқали ифодаланди. Унга миллий куй-қўшиқлар ва рақслар уланиб кетди. Таъбир жоиз бўлса, кўрик-фестивал ранго-ранг тилда сўзлашувчи аёлларнинг ягона байрами тусини олди. Шу боис даврага ташриф буюрган меҳмонлар, жумҳурият ва шаҳар жамоатчилик ташкилотлари вакиллари,



Гул гулга ярашади
Т. МАҲКАМОВ олган суратлар

Байналмилал маданият маркази раҳбарлари унга юқори баҳо бердилар. Жумладан, жумҳурият «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раиси — Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Али ушбу кўрик-фестивал туманда умргузаронлик қилаётган миллатлар ва элатлар тарихини ўрганишда, миллий қадриятларини тиклашда, турли халқларни бир-бирига янада яқинлаштиришда, айниқса, ёш авлод таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши хусусида сўз юритди. Бундай кечаларни бошқа туман-шаҳарларда ҳам тез-тез ташкил этиш фойдадан холи бўлмаслигини алоҳида таъкидлади.

Кўрик-фестивалдан сўнг бўлган мулоқотимиз чоғи жамғарманинг туман бўлими раиси **Шавкат Иброҳимов** шундай деди:

— Маълумки, бутун дунё бўйича гўдакларга алла айтиш, уларнинг тарбияси билан шуғулланиш, либослар тикиш, уй безаш, таомлар пишириш, дастурхон тузаб, меҳмон кутиш асосан аёллар зиммасида, Улар кимлигидан, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар, бу юмуш-вазифаларни меҳр-муҳаббат билан, сидқидилдан адо этадилар. Шу боис биз кўрик-фестивалимизни рамзий маънода «АЁЛ меҳри ва алла сеҳри» деб атадик. Бу — биринчидан. Иккинчидан, эндиликда биз буюк давлат қуриш сари бораяпмиз. Бунинг учун эса, фақат ўз халқимиз кечмишини пухта-чуқур ўрганишимиз кифоя қилмайди. Айни чоғда, Ўзбекистонни Ватан тутган бошқа миллатлар маданияти ва миллий урф-одатларини ҳам яхши билишимиз, ёш авлодни ҳам шу руҳда тарбиялаб, улар онгига Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат туйғуларини сингдиришимиз даркор бўлади. Ушбу фазилатлар пировард-натижада ўзликни англашга, байналмилал дўстликни мустаҳкамлашга, жамиятнинг янада тараққий этишига хизмат қилади. Бу борада аёлларимиз етакчи кучга айланмоқлари жоиз. Негаки, дунёда ҳеч бир она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Ҳамиша эл-юрт тинч-омон, турмуши фаровон бўлишини истайди. Бундай эзгу тилаклар мудом уларнинг тилидан тушмайдиган энг бетакрор, энг бебаҳо қўшиқ — аллада ҳам мужассамланган. Ўзимга қолса, мен мактабларнинг адабиёт ва одобнома сабоқлари дастурига аллани ўргатишни ҳам киритган бўлардим...

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

Муҳаммад АВФИЙ

*Нодир воқеалар*

# ТУЗ ҲАҚИ



Мазкур китобнинг муаллифи шундай ҳикоя қилади:

— Ёшлик вақтларимда бобом билан Бухоронинг баъзи бир қишлоқларига борар эдик. Бир кун қишлоқ томон йўлга тушдик, чошгоҳ вақтида ҳаво ниҳоятда исиб кетди. Биз қишлоқ яқинидаги бир азим дарахтнинг соясида ўтириб, иссиқдан жон сақлардик, токи ҳавонинг тафти пасайса, сўнгра йўлга тушсак. Шу пайт биз дам олаётган қишлоқ кишиларидан бири бобомнинг олдига келди ва бобом билан кўришгач:

— Бу ерда менинг боғим бор, агар рози бўлсанг, марҳамат кўрсатсанг, бир коса угра ош олдингга қўйсам ва ўз бошимдан кечирган саргузаштимни сенга ҳикоя қилсам, — деди.

Бобом сайиднинг сўзини инобатга олди ва биз унинг боғига кирдик. Катта ҳовузнинг бўйига палос ёзиб, кўрпачалар солди ва биз ўша ерга ўтирдик. Мезбон хўб саховат кўрсатар ва ҳар турли воқеалардан ҳикоя қиларди. Ниҳоят, ўзи ҳақида сўз юритиб шундай деди:

— Мен илгари вақтларда ёмон ишларга берилиб, ўғирлик қилардим. Кунлардан бир кун Марв шаҳрига бир савдогар келибди, унинг бир неча минг динорлик жавоҳири ва нафис моллари бор экан. Савдогар шаҳарнинг фалон растасида жойлашибди, деб эшитдим. Шундан сўнг савдогарнинг шу жавоҳир ва молларини қўлга киритиш ҳаваси бошимни айлантирди. Ниҳоят Марвга бориб бир кўчада истиқомат қила бошладим. Дарҳақиқат савдогарнинг омборхонаси ўша ерда экан. Омборхона олдида шердек баҳайбат бир итни боғлаб қўйишибди. Ҳатто савдогарнинг мулозими у ердан ўтгудай бўлса, ит унга шундай ҳамла қилар, агар яқинлашса, поралаб ташлагудай бўларди. Мен эртаси кун бозордан қоврилган калла гўшти ва нон олиб итнинг ёнидан ўтдим. Ит менга ваҳшат билан ташланди. Мен гўшт билан нонни итнинг олдига ташладим. Ит нон билан гўштни еди. Шундан сўнг ҳар куни итга гўшт билан нон бериб турдим. Тез кунда ит менга ўрганиб қолди ва мен билан иши бўлмай қўйди. Кечқурун тим атрофини айланиб юрган эдим, ногоҳ кўзим мис қозонга тушди. Мен ўзимни панага олиб, фурсат кутдим. Бир оздан сўнг пайт топиб қозоннинг қулоғидан кўтариб тагига кириб олдим. Кеч кириб, халқ тарқади, тимнинг эшигини қулфладилар. Тун ярмлаб, одамлар ғафлат уйғусига кирғач, қозоннинг остидан секин чиқиб, омборхона томон юрдим. Ит мени таниган туфайли, менга ҳамла қилмади. Омборхона қулфини очиб, ичкари кирдим ва жавоҳирларни олиб, яна бориб қозоннинг остига яширандим.

Тонг отгач, тимнинг эшикларини очдилар. Мен бировга сездирмай қозон остидан секин чиқиб, ўз йўлимга кетдим. Жавоҳирларни бир ерга кўмиб, яна сарой томон йўл олдим. Саройга боришдан мақсадим, жавоҳирнинг эгаси нима қилаётгани, шунингдек, жавоҳирнинг ўғирланиши ҳақида одамларнинг фикри қандай эканини билиш эди.

Мен тимнинг эшиги олдига бориб бир оз турдим. Савдогар эшикда ўтирарди ва одамлар келиб ҳамдардлик билдиришарди. Савдогар келувчиларга ҳайратомуз тикиларди. Шаҳар волийсининг мулозимлари гумондор кишиларни ушлаб, сўроқ қилардилар. Мен бир оз тургач, ўз қилмишимдан завқланиб, орқага қайтиб кетмоқчи бўлдим. Савдогар ўрнидан туриб менинг рўпарамга келиб:

— Эй йигит, қўрқма, усталик билан жавоҳирларни олиб кетибсан. Аммо лутф қил, жавоҳирларни қайтариб бер! Ўзингни шарманда қилма, — деди.

— Нима деяпсан, туш кўрдингми? — дедим.

— Йўқ... уйғоқликда айтяпман, яхшиликча жавоҳирларни қайтариб бер, бўлмаса, зўр уқубатларга гирифтор қиламан, — деди.

— Мен бир ғариб кишидурман, менда жавоҳир нима қилсин. Менда бирор нишона кўрдингми? Мендан нима истайсан ўзи, — деб рад жавобини бердим. Савдогар волий кишиларига мени кўрсатиб деди:

— Менинг жавоҳирларимни ушбу одам олган!

Волий кишилари мени тутиб, амир саройига олиб бордилар. Савдогар амирга деди:

— Қасам ичиб айтаманки, менинг жавоҳирларимни бундан бошқа одам олган эмас... Талаб қилсинлар, токи жавоҳирларимни қайтариб берсин!

— Мен сайидларни гумон билан жазолай олмайман, — деди амир.

Савдогар:

— Ҳар бир урилган калтак учун динорнинг олтидан бир қисми баробарида ҳақ тўлайман, — деди-да, юз динор санаб амирга тутаркан, — олти юз калтак урсинлар, токи жавоҳирларимни қайтариб берсин, — деб қўйди.

Амир кўп насиҳатлар қилди, аммо менга кор қилмаганини кўргач, икки ёғоч ўртасига бошлашга буюрди. Шундан сўнг олти юз калтак урдилар. Ҳар калтак тушганида оғриққа чидамай жавоҳирни олганимга иқрор бўлишга қасд қилардим. Яна ўзимга, «эй нафс, бир оз сабр қил, барча бойлик сенинг қўлингда-ку. Барибир далил ва исботсиз сени ўлдира олмайдилар», дейман ва шундай хаёллар билан ўзимда қувват пайдо бўлаётганини сезаман. Мени жуда кўп саваладилар. Йиғилган жамоат савдогарни лаънатладилар ва шаҳар волийсига: «Бир ғариб сайиднинг жиноятини аниқламай, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бекорга шунча калтаклашга буюрдинг. Бу киши хорижийдур», деб маломат қилдилар. Жамоат ҳадеб волийни маломат қилавергач, волий савдогарга: «Агар сен ҳақиқатан ҳам жавоҳир йўқотганингда эди, бирор исбот, далил ёки гувоҳ олиб келган бўлардинг. Сен сабабсиз равишда бир мусулмонни шунча таҳликага солдинг. Энди бу кишини ўз уйингга олиб бор ва яхшилаб парвариш қил, токи тузалиб саломат ўрнидан турсин. Агар бу киши ушбу калтак зарбидан ўлиб кетса, у ҳолда унинг ўрнига ўзингни қатл қилдирурман. Ҳаргиз қасос олмай қўймайман», деди.

Шундан сўнг савдогар мени ўз ҳужрасига олиб борди ва икки табибни чақириб қўлларига пул берди. Улар мени парвариш қила бошладилар. Улар ҳар куни мен учун лазиз тоамлар тайёрлардилар. Савдогар мен нимани орзу қилсам, ҳаммасини муҳайё қиларди. Бир ой давомида мени шундай парвариш қилди, ҳатто энг яқин кишиларим ҳам бундай қила олмаган бўларди. Қувватга кириб, тузалганимдан сўнг бир кун савдогарга Бухорога қайтмоққа жазм қилганимни айтдим. Менга яхши чопон берди ва йўл ҳаржи учун бир оз олтинни олдимга қўйиб:

— Жувонмардлик ва туз ҳақини риоя қилмоқлик ўғрилар жамоатининг одатларидан биридир. Сен мусулмон фарзандидурсен. Ҳаромда баракa бўлмаслигини яхши билмоғинг лозим. Агар тузимни риоя қилсанг, мард бўл, жавоҳиримни олган эдинг, қайтиб бер! Токи сенинг номинг жувонмардлар рўйхатининг бошида тургай, — деди. Бу сўз кўнглимни юмшатди ва:

— Энди... бу бошқа гап, — дедим, — жавоҳирингни мен олганман ва ундан бир тийинини ҳам сарф қилганим йўқ. Мен билан юр, токи жавоҳирингни ўзингга топширай!

Шундан сўнг жавоҳирни кўмган ерга олиб бордим ва уни ердан қазиб олиб савдогарнинг қўлига топширдим. Савдогар ўз жавоҳирини кўргач, мени қўлимдан ушлаб ўз ҳужрасига олиб келди ва ҳамённи очиб икки юз динор санаб менга бераркан:

— Бу олтинларни сенга ҳадя қиламан, бу сенга ҳалолдур. Шарт шуки, бундан буён ўғрилик қилмасликка сўз берасан, — деди.

— Бундан буён ҳаргиз бу касбни қилмайман, — деб сўз бердим.

Шундан сўнг олтинларни ёнимга солиб, Бухорога келдим. Мазкур боғни ва бир неча таноб ерни сотиб олиб иморат ва зироатга машғул бўлдим. Худованди карим касбимга ривож бериб, топганимга барака ва ўзимга осойишталик, фаровон ҳаёт ато қилди. Мол-мулким кўпайиб, давлатим ортгач, илгари кимдан нимани ўғирлаб олган бўлсам, ўша кишининг ҳузурига бориб ҳақини тўлай бошладим. Бундан ҳамма хурсанд бўларди.

Киши яхши фазилатни кўнглига жо қилса ва унга амал қилса, шубҳасиз, ёмонлар йўлига ғов, яхшилар йўлида дов бўлади.

**Турғун ФАЙЗИЕВ табдили**

# ҚАРИНДОШИМИЗ ТУЯҚУШ

*Ажаб дунё экан-да...*

Африка ҳудудларида учрайдиган туяқушларнинг нақадар йириклиги ҳақида озмикўпми тасаввурга эгамиз. Лекин улар ҳақидаги мана бу маълумотларни ўқигач, беихтиёр ёқангни ушлашга мажбур бўласан киши. Вазни 150 кг. дан ортиқ, бўйи 2,5 метрга етадиган бу жониворлар «қушлар» деб аталса-да, аслида учишга қодир эмас. Аммо бу ҳайвонга учқур отларни доғда қолдирадиган нодир қобилият ато қилинган бўлиб, узун ва бақувват оёқлари уларга соатига 95 км. тезлик билан шамолдек елиш имконини беради. Туяқуш югурар экан, ҳар қадам ташлаганида 7,5 метр масофани ортда қолдиради. Туяқуш ўзига хос ҳимояланиш усулига ҳам эга. Яъни мабодо туяқуш бирор душмани томонидан сиқувга олингудек бўлса, унга оёқлари билан ҳаддан ташқари кучли зарбалар бериб, ўзини қутқаради. Бу тепкилар шу қадар кучлики, улар ҳатто одамни ҳам ўлдириши мумкин.

Маълум бўлишича, туяқуш ўзига нисбатан бирор хавф сезган заҳоти (гарчи танаси яққол кўриниб турса-да) бошини қумлар орасига тиқади ва бу билан ўзини хатардан халос этгандек ҳис этади. Айтиш мумкинки, бу унинг ҳаёти учун тўлиқ кафолат бермайди. Бироқ, бу билан туяқушларни ўта ақлсиз жониворларга чиқариб қўйиш ҳам тўғри эмас. Билъакс, улар ерга чўкиб бўйнини чўзган ҳолда рақибини диққат билан кузатади ва ҳимояга тайёр туради. Бўйнининг баланд, кўзларининг ўткир бўлиши эса уларга анча узоқдаги хавфни сезиш имконини беради.

Туяқушларнинг ҳар бир оёғида бир жуфтдан тирноқлари бўлиб, тирноқларининг узунлиги баъзиларида 17 см. га етади. Ва бу тирноқлар туяқушларнинг ашаддий душмани бўлган инсон ва арслонларга қарши анча ишончли ва хавфли қуролдир.

Туяқушлар баъзан тош бўлакчалари билан озиқланишига нима дейсиз?! Ажабланманг. Уларнинг тош истеъмол қилиши (гарчи ўзлари билмасаларда) организмлари учун жуда фойдалидир: тошлар ошқозон фаолиятини бир меъёрга келтириб, еган овқатларини тез ҳазм қилдиради.

Буни қарангки, туяқушлар тош бўлакчаларини маккажўхори дони каби узлуксиз эмас, балки ички бир эҳтиёж туфайлигина ғоят ўлчовли миқдорда ейишади. Беихтиёр ўйлаб қоламиз: бу тош бўлакчаларини ошқозон фаолияти учун қўллаган ва уларни керакли миқдорда истеъмол қилишни ўрганган вужуд соҳиби табиатнинг ўзгарувчан ва ихтиёрий оқими ичида дунёга келиши мумкинми? Жониворларга тошни ҳазм қила оладиган ошқозон инъом этилгани мўъжиза эмасми? Бу тур жониворларнинг кундалик овқатлари асосан ўсимликлар бўлиб, онда-сонда ўлжа тушган тошбақа ва калтакесакларни ҳам «тамадди» қилиб туришади.

Туяқушлар дунёда энг йирик қуш бўлишлари билан бирга тухумларининг катталиги билан ҳам диққатга сазовор: тухумларининг оғирлиги 1200—1500 гр келади. Уларнинг алоҳида ажралиб турадиган яна бир хусусияти ҳам борки, бу эркак туяқушларнинг арслоннинг ўкиришини эслатадиган ва ҳуштак чалганга ўхшаш ажиб товушларининг борлигидир.

Туяқуш кимга қариндош деган савол кўпчиликни қизиқтириб келади. Зеро, «у қушми ёки ҳайвон» деган сўроққа жавоб беришдан олдин сал ўзимизга қараб олсак яхши бўлармиди? Халқ орасида баъзи инсонларда учрайдиган ғалати ҳолатни изоҳлаш учун туяқуш билан боғлиқ бир гап юради: эмишки, туяқушга «қуш бўла туриб нега учмайсан?», — дейишса: «Мен туяман, — дермиш, «туя бўлсанг юк таши», дейишса, «мен қушман» дер эмиш. Тавба, тавба... Бир қариндошимиз маймун бўлса, иккинчиси туяқуш...

**Хориж матбуоти материаллари асосида Искандар ХУШВАҚТОВ тайёрлади.**



Боланинг кўнгли нимада...

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 0489.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
*Саҳифаловчи: Холида ИСЛОМОВА*
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 19.40

Манзилимиз: Тошкент-83,
Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
*Навбатчи — Холли НОРБОЙ*